БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил, 23 май
Чоршанба
№ 97. (13.533).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Мактаб ислоҳоти: диққат, янгилик!

Истеъдодли ёшларга эътибор

Шу йилнинг январида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаб олиш ва уларни камол топтириш масаласини муҳокама қилди. Бунда иқтидорли ёшларни фақат йирик саноат марказларидагина эмас, қишлоқ жойларда ҳам қидириш лозимлиги, улар учун барча зарур шароитлар яратиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Жамоатчи мухбиримиз Акбар БАҲРОМОВ Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги 33-ўрта мактабда бўлиб, мактаб директори Тиллахўжа АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди.

—Тиллахўжа ака, Сиз бошқараётган мактабда иқтидорли ўқувчилар учун махсус синфлар ташкил қилинибди. Шу ҳақда батафсил гапириб берсангиз.

— Сир эмаски, ўрта мактабларда таълим бериш ўртамиёна ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, иқтидорли ўқувчиларга етарли эътибор берилмайди. Жумҳуриятимиз келажаги ва равнақи учун етук мутахассислар керак Олий ўқув юртларида етук мутахассисларни тайёрлаш учун ўрта мактабда ёшларга чуқур билим беришни ташкил этмоқ лозим. Қуйи синфларнинг ҳар бирида 5-10 тадан қобилиятли ўқувчилар топилади. Агар уларга ўз вақтида эътибор қилиб, истеъдодларини ўстиришга ёрдам берилса, ишонаманки. улардан олимлар ва етук мутахассислар чиқади. Шу мақсадда мактабимизда иқтидорли ўқувчилар учун махсус синфлар ташкил этилди. Ўтган 1988-89 ўқув йилида физика ва математика чуқур ўргатиладиган битта махсус синф очдик. Унга ўз мактабимизнинг ҳамда ноҳиямиз бошқа мактабларининг IX синфини тугатган физика ва математикадан қобилиятли ўқувчиларни қабул қилдик. Улар X ва XI синфда физика ва математикадан чуқур билим оладилар. Мазкур ўқув йилида бундан ташқари химия-биология ва тарих-география бўйича ҳам биттадан махсус синф очилди. Ўтган ўқув йили мактабимизнинг IX синфини тугатган 111 ўқувчининг 11 нафари физика-математика махсус синфига, 6 нафари химия-биология махсус синфига ва 8 нафари тарих-география махсус синфига танлаб олинди. Бу синфлар ноҳиямиз мактабларининг иқтидорли ўқувчилари билан тўлдирилди. Ҳозир ҳар бир махсус синфда 22-25 ўқувчи ўқимоқда.

— Физика-математикага ихтисослашган X синфга ўтган ўқув йилида 22 ўқувчи қабул қилган экансизлар. Ҳозир улар XI синфда ўқишаяпти. Натижалар қандай бўлаяпти?

— Буни келажак кўрсатади. Лекин шундай бўлса ҳам, биз муайян қувонарли натижаларга эришдик, деб ўйлайман. Физика-математикага ихтисослашган XI синф ўқувчиларимиз олимпиадаларда фаол қатнашиб, улардан 9 ўқувчимиз вилоят олимпиадасига йўлланма олди. Шулардан 3 ўқувчимиз — Рустам Юсупов, Обид Турғунов. за Дилшод Қосимовлар вилоят олимпиадасида ғолиб деб топилди ва жумҳурият олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ваҳоланки, физика ва математика фанлари бўйича жумҳурият олимпиадасига кўп йиллардан бери мактабимиз у ёқда турсин, ноҳиямиздан биронта ҳам ўқувчи йўлланма ололмаган эди. Бу йил физика-математика махсус синфининг дастлабки битирувчилари олий ўқув юртига кириш учун синовдан ўтадилар. Синовлар бизнинг ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатиб беради.

— Иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида шуғулланишни янада қуйироқ синфдан ташкил этиш тўғрисида нима дейсиз?

— Қобилиятли ўқувчиларни алоҳида ажратиб ўқитишни қанчалик қуйи синфдан бошланса, шунча натижали бўлади, албатта. Ҳозир маориф соҳасида кўпгина масалаларни ҳал этиш мактабларнинг ўзига бериб қўйилган. Шундан фойдаланиб келаси ўқув йили V синфда қобилиятли ўқувчиларни алоҳида ажратиб ўқитишга қарор қилдик. Бу қарорни мактаб маорифи ходимлари ва ўқувчиларнинг ота-оналари қўллаб-қувватладилар. IV синфда ўқиётган 155 ўқувчидан келгуси ўқув йилида қобилиятли 60 ўқувчини танлаб олиб, биринчи даражали иккита синф ва қолган 95 ўқувчидан иккинчи даражали учта синф ташкил этилади. Ўқувчилар орасида рақобат ва масъулият бўлиши учун ўқув йилининг ҳар бир чорак якунига қараб бир неча ўқувчини бир даражали синфдан бошқа даражали синфга ўтказиб қўйишимиз мумкин. Биринчи ва иккинчи даражали синфларнинг барчасида бир хил ўқув дастури бўйича ўқитилади. Биринчи даражали синфларнинг VII синфини битирувчилар ихтисослашган мактаб--интернатларга тавсия этилади. Мактаб-интернатга бориб ўқишга имкони бўлмаган ўқувчилар шу мактабнинг ўзида VIII синфдан бошлаб ўзлари танлаган фанлар бўйича махсус синфларга бўлиниб, ўқишни давом эттиришлари мумкин.

— Истеъдодли ёшларни камол топтириш учун махсус синфларни жумҳурият бўйича оммалаштириш ҳусусида фикрингиз қандай?

— Иқтидорли болаларга эътибор бериш тўғрисида жумҳурият Вазирлар Кенгашининг қарори яқинда чиқди. Бу қарор чиқмасдан аввал махсус синфларни ташкил этишда кўп тўсиқлар бўлар эди. Уларни енгишда ва махсус синфларни очишда Калинин ноҳияси маориф бўлимининг собиқ мудири Мухтор Умаровнинг ва мактабимизнинг собиқ ўқувчиси, Ўзбекистон ССР ФА математика институти етакчи илмий ходими Бадриддин Рихсиевнинг хизматлари катта бўлди. Ҳозир ҳам бизда бир қанча муаммолар мавжуд. Масалан, ташкил этилган махсус синфларда олий ўқув юрти ўқитувчилари ва малакали ўқитувчиларимиз ўқитадилар. Илмий даражаси бўлган ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш йўлга қўйилмаган. Умуман, махсус синфларда ихтисос фанлари бўйича дарс берадиган малакали ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлашни жумҳурият Халқ таълими вазирлигида кўриб чиқилса, соз бўлур эди. Яна бир муаммо — иқтидорли ўқувчилар учун дарсликлар йўқ. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигида иқтидорли болалар билан шуғулланадиган марказ тузиш керак. Шунда муаммолар бўйича тўппа-тўғри ана шу марказга мурожаат қилар эдик. Мактаблар қошида махсус синфлар очишни эса бутун жумҳурият бўйича оммалаштириш зарур, деб ўйлайман. Чунки мактаб-интернатга бориб ўқишга ҳамма иқтидорли ўқувчиларнинг имкони бўлавермайди. Шунинг учун иложи борича ўқувчилар ота-оналари бағрида яшаб, уйдан қатнаб махсус билим олишларига ҳам имкон яратиш лозим. Масалан, қишлоқ ноҳияларида бир-бирига яқин жойлашган бир нечта мактаб ўқувчилари учун маълум бир ихтисослашган фан бўйича битта махсус синф очиш мумкин. Умуман айтганда, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни камол топтириш ҳам моддий, ҳам маънавий томондан катта эътибор беришни тақозо этади. Бу харажатлар тез орада ўз самарасини беришига имоним комил.

Дастлабки атамалар тасдиқланди

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан тилимизнинг турли соҳаларида, айниқса, унинг атамалари хусусида матбуот саҳифаларида, ойнаижаҳон ва радио эшиттиришларида қизғин баҳслар бўлмоқда. Бунинг натижасида атамаларнинг турли-туман муқобиллари топилиб, рўзнома ва жаридаларда, радио ва телеэшиттиришларда кенг қўлланилмоқда, шунингдек матбуот саҳифаларида махсус равишда ташкил этилган атамалар бурчагида ҳам кўплаб атама муқобиллари тавсия этилаяпти.

Янги атамаларни ва уларнинг синонимларини тўғри танлаб, ўринли ишлатиш масаласида тилшунос олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистларимиз, илм-фаннинг турли соҳаларида ишлаётган мутахассисларимиз катта ёрдам бермоқдалар. Лекин афсуски, ҳозирги пайтда матбуот саҳифаларида атамаларнинг турлича қўлланилаётганлигига дуч келаяпмиз. Бу, бир томондан, тилимиз бойлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса, муайян чалкашликларга олиб келмоқда. Натижада идора ишлари, иш юритиш, ўқиш-ўқитиш жараёнида қийинчиликлар рўй бермоқда. Жумҳурият атамашунослик қўмитасига келаётган кўпдан-кўп хатлар ва истаклар шундан далолат беради.

Атамашунослик қўмитаси 21 май куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳолатни ҳисобга олиб мазкур долзарб масалани муҳокама қилди. Атамашунослар кейинги пайтда талай ишларни бажарганлиги, жумладан, энг кўп ишлатиладиган сўзлар, атамалар рўйхатини тузиб, турли идораларга, жумладан, матбуот идораларига юборганлиги, бунинг натижасида жуда кўп ва фойдали фикрлар тўпланганлиги алоҳида қайд этилди.

Энг зарур деб ҳисобланган расмий идора атамаларидан 14 таси тасдиқланди. Шу тариқа бу атамалар ҳаётга йўлланма олди.

Атамалар хусусидаги фикрлашув ва мунозараларни давом эттиришга қарор берилди.

Атама луғатлари тузиш қонун-қоидалари, матбуотда ҳар хил қўлланилаётган атамаларни тартибга солиш йўллари, қўмита бўлимларида муҳокама этилган атама луғатларини нашрга тавсия этиш хусусида ҳам бир фикрга келинди.

Атамашунослик қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Биринчи саҳифага мактуб

Ипак қурти боқиш мажбурийми?

Мен, Тоҳир Ўрмонов оиламиз билан Бўстонлиқ ноҳияси, Қаранкўл посёлкасининг Ўзбекистон кўчасидаги 67-уйда яшаймиз. Ҳар йили бизни бир муаммо қийнайди. Бу ҳам бўлса ипак қурти боқиш. Ўзим Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасида ишлайман. Турмуш ўртоғим эса болалар боғчасида. Уч хоналик тор уйда онам, 4 фарзандимиз билан яшаймиз. Лекин бу йил ҳам ноҳиямизга қарашли 14-боғдорчилик давлат хўжалигининг 2-бўлими бошлиғи Неъмат Юсуфалиев оилавий шароитимизни тушунтиришимизга қарамай, ипак қурти боқишга мажбур қилди. Унинг гапига қараганда «шу хўжалик ҳудудида яшагандан кейин пилла қурти боқишимиз шарт» экан. Агар пилла қурти боқмасак хўжалик ариқларидан сув ичишимиз, пичан ўришимиз, моллаgive римизни яйловда боқишга ҳаққимиз йўқ экан. Наҳотки хўжалик раҳбарлари бизнинг оилавий шароитимизни ҳисобга олмаса. Агар ипак қурти боқадиган бўлсак оиламиздаги етти жон қаерда яшаймиз. Наҳотки ипак қурти боқиш мажбурий бўлса. Қолаверса, бу ишни бир-икки киши уч-тўрт кунда уддалай олмайди-ку. Бунинг учун бутун оила туну кун меҳнат қилишига тўғри келади. Қолаверса, пилла қуртини боқиш нозик ва масъулиятли иш. Лекин тўланадиган ҳақ эса кетган меҳнатнинг ярмига ҳам арзимайди. Агар яхшироқ ҳақ тўланганда эди, шароити етарли оилалар ўз ихтиёрлари билан ипак қурти боқишарди. Шароити тўғри келмаган оилаларни бу ишга жалб қилиш инсофданми?

Тоҳир УРМОНОВ.

Кўзингизни каттароқ очинг

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Шўроси биринчи сессияси мажлисларини ойнаижаҳон орқали мунтазам кузатиб бордим. Вилоятлардан келган депутатлар дадил гапирдилар, тўпланиб қолган муаммо камчиликлар тўғрисида очиқ-ойдин фикр билдирдилар. Ҳатто бир депутат сўзга чиқмаса-да, жумҳурият вазирлари билан кенгашиб унча-мунча ишини битириб олибди. Демак, у халқ дардида ёнган, унинг эртасини, турмуш-тарзини ўйлаган. Отасига раҳмат шундай депутатнинг!

Аммо, менинг она юртим, хоразмлик депутатларнинг жим ўтиришлари мени изтиробга солди. Ҳамон сессия кунларини эсласам кўнглим ўксийди. Ахир КАТТА минбардан туриб, бонг урилиши керак бўлган КАТТА муаммолар сон-саноқсиз-ку бизларда! Касаллик бемаза қовуннинг уруғидай кўп тарқалган жой қаер — Хоразм; бир қултум тоза сувга зор — Хоразм; гўзал ва кенг боғ-роғлари, гужумлари қуриган харобазор — Хоразм!.. Ёзаверсак, гап кўп, қоғоз етмайди.

Ваъдалар катта эди. Улар қоғозларда сарғаймасин. Энди бу ёғига кўзингизни каттароқ очинг, ҳамюрт депутатлар, дегим келади.

Илҳом НУРМАТОВ,
«Ёш мухбирлар» дорилфунуни тингловчиси.

Ким тузатади?

Турғунлик даврида «Шарқнинг машъали» деб ном олган жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентнинг қиёфаси йилдан-йилга хиралашиб бормоқда. Бир маҳаллар кўчалари топ-тоза, ҳавоси мусаффо маҳаллалар, мавзелар ташландиқ ҳолга келиб қолди. Пойтахтнинг марказидан ташқари барча жойларда аҳвол қарийб бир хил. Ҳамма ерда уюм-уюм ахлатлар. Улар турар-жойларнинг қиёфасини бузибгина қолмай, балки одамлар ўртасида касаллик тарқатмоқда. Биз яшаётган Юнусобод даҳасининг 15-мавзеси ҳам бундан мустасно эмас. Бу ачинарли аҳволга шаҳар ва ноҳиялардаги тегишли ташкилотлар ўгай кўз билан қараётганликлари кишини ташвишга солади. Ҳаммаёқ ифлос. Турли чиқиндиларнинг анқишидан кўнгил айнайди.

Матбуот, радио ва ойнаижаҳон орқали жуда кўп марта танқид қилинганига қарамай, ҳеч ўзгариш бўлмаяпти.

Бизнингча, бу муҳим иш шаҳар ҳокимларининг қўлидан келмаса, ширкатчиларга топшириш керак. Ахир, шаҳримиздаги айрим жойлар қандай аҳволда эди-ю, энди қандай? Ҳаммасини ўшалар озода қилди-да.

Отабек РАЗЗОҚОВ,
ТошДУ толиби.



Қашқадарё вилоятидаги 200 бола, Қарши сут комбинати тайёрлаган сут маҳсулотларини истеъмол қилиб заҳарланди. Текширишда аниқланишича, Қарши, Таллимаржон, Муборакдаги болалар боғчаларида эскириб қолган сут маҳсулотларидан фойдаланилган. Санэпидстанция ходимлари томонидан қатъий тақиқланганига қарамай, баъзи боғча хизматчилари эътиборсизликка йўл қўйган. Сутли маҳсулотларни сақлаш, боғчага етказиб бериш ҳам кўнгилдагидек, эмаслиги қайд этилди...

Тўғри, заҳарланган болаларнинг ҳаёти ҳозир хавф остида эмас. Бўлиши мумкин бўлган, фожианинг олди олинди. Бунда вилоят, жумҳурият табобат аҳлининг тезкорлиги асосий омил бўлди.

Сиз кўриб турган суратда: ҳамшира Мария Рустамова заҳарланган болалар ҳузурида.

Сураткаш Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).

Соғлом турмуш тарзи учун

Ақлни йўқотманг

Ичкиликбозликни бартараф этиш учун кураш ҳозирги вақтда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий вазифа бўлиб қолди. Чунки бу аҳолининг соғлиғига, иқтисодиётига, оилага ва умуман жамиятга жуда катта зарар келтираётган асосий иллатлардан биридир. Лекин бу борадаги тадбирлар жойларда етарли даражада олиб борилмаётгани кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Кўпчилик ташкилот ва корхоналарда мазкур масалага эскича муносабатда бўлишаётгани боис Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими қошидаги тиббий ҳушёрхонасига ташриф буюрганларнинг сони кўпайиб боряпти.

1988 йил мобайнида ҳушёрхонага тушган кишиларнинг умумий сони 729 кишини ташкил қилган бўлса, 1989 йилда бу 747 нафарга етган. Шунингдек, 1989 йилнинг январь ойига нисбатан 1990 йилнинг январь ойида ҳушёрхонага тушган кишиларнинг сони 17 кишига кўпайган. Ҳушёрхона меҳмонлари орасида КПСС ва ВЛКСМ аъзоларининг сони кўпайиши ҳам жуда ачинарли ҳолдир. 1988 йилда ҳушёрхонага тушган кишилардан иккитаси КПСС, тўрттаси эса ВЛКСМ аъзоси бўлган ҳолда, 1989 йили КПСС аъзоларининг сони 6, ВЛКСМ аъзоларининг сони 8 нафарини ташкил этди.

1989 йил мобайнида ҳушёрхона томонидан юборилган 484 та билдиришдан фақат 296 тасига жавоб олинган, холос.

Ўтган йили ҳушёрхонага тушган «меҳмон»ларнинг кўпчилиги Гулистон шаҳар атвобус-таксомотор паркининг ҳайдовчилари бўлишди. Йил мобайнида уларнинг етти нафари ҳушёрхонада «ҳордиқ» чиқаришган. Ушбу ҳайдовчилардан Рустам Худойқулов уч маротаба, Рефат Зайриддинов ва Ремзи Абдурашидовлар бўлса икки маротабадан ҳушёрхонага тушди. Гулистон ёғ-мой заводидан ҳушёрхонага тушган шахслар ҳам талайгина. Шу завод ишчиси Шавкат Бекмирзаев икки марта «ташриф» буюрган. Завод қозонхонаси бошлиғи Алексей Медведев ўзи ҳушёрхонага тушган тақдирда қўл остидагилар кўзига қандай қараши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бадмастлар орасида аёлларнинг бўлиши ачинарли ҳол. Ўтган йили ҳушёрхона меҳмонларининг 40 нафари хотин-қизлар эди. Бу 1988 йилга нисбатан 14 кишига кўпдир. Улар орасида 101-механизациялашган кўчма колонна сувоқчиси Екатерина Тишко рекорд кўрсатди. У икки маротаба ичиб юрганда тартибга чақирилди. 1990 йилнинг январь ойида ҳушёрхонага тушган аёллар етти нафарга кўпайди. Улар Гулистон шаҳар учинчи мавзе, 15-уй, 16-хонада яшовчи Дилора Қодирова, 15-уй, 10-хонада яшовчи Вера Чуянова, Тельман кўчаси, 59-уйда яшовчи Неля Чебкина, «Строительная» кўчаси, 10-уй, 69-хонада яшовчи Лидия Бакенова, 1972 йилда туғилган ва ҳеч қаерда ишламаётган Елена Абрасимовалардир.

1989 йил ва 1990 йилнинг январь ойида алкоголизм билан касал бўлган 28 киши суд орқали мажбурий даволанишга юборилди. Лекин айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари бу ишга масъулият билан ёндашмаяптилар.

2-деҳқончилик саноати қурилиши тресті ЖЭК бошлиғи, ҳушёрлик жамияти аъзоси Рустам Жабборовнинг ўзини ҳушёрхонада «меҳмон» бўлишини қандай баҳолаш мумкин?

Ичкиликка ружу қўйганларга қарши курашни яна авж олдириш лозим. Буни турли хил қарорлар, фармонлар билан олиб бориш ёмон оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатди. Менинг фикримча, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиб, тарғибот ишларини янада кучайтирмоқ даркор.

Али НАСИРЛИ,
Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими тиббий ҳушёрхонасининг бошлиғи, милиция капитани.

Комсомолда камол топганлар

СИЗЛАРГА ИШОНАМАН

...Исмоил акани «Уч авлод» юбилейи учрашувига таклиф этишди. Ёшлигини эслаб костюмига орден ва медалларини тақиб олди. Бу билан у ўзининг хизматларини барчага пеш қилмоқчи эмас. Нишонлар — инсон меҳнатининг эътирофи, кўп йиллар давомида қилган фидойилигининг белгиси сифатида уни руҳлантиради. Оз эмас, салкам 50 йил комсомол, фирқа органларида сидқидилдан меҳнат қилди. Давлатдан ҳеч қандай меҳнатини, кучини аямади. Чунки, уни шу давлат вояга етказди. Болалар уйида тарбияланди. Ахир бу ғамхўрликларни унутиб бўладими?!

Директорнинг ҳузурига совуқдан дир-дир қалтираётган бир озғин болани етаклаб келишди. Директор оёқяланг, жулдур кийимли, юзлари қорайиб кетган ўсмирга разм солди-ю, ич-ичидан эзилиб кетди.

— Отинг нима, болакай? — деб сўради унинг совуқ қотган қўлларини иссиқ кафтлари билан ишқалаб.

— Исмоил.

— Отанг ёки онанг бордир?

— ...

— Қишлоқ масжитининг эски биносидан топиб олдик, бу болани, — деди уни бошлаб келган киши.

— 30-йилларнинг бошлари жуда оғир кечди, — деб эслайди Исмоил ака. — Бутун мамлакатга ёйилган 1932—33 йиллардаги очарчилик кўпларнинг бошига етди. Қишлоқ аҳли ғаллага зор. Деҳқон хонадони балою-қазоларга гирифтор қилиниб, унинг бисотидаги барча мол-мулки мусодара этилиб, ўзини эса пати юлиниб, қанотлари қирқилган қоқ суяк товуққа ўхшатишганди. Мана шулар орасида менинг ҳамқишлоқларим ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги бу очарчиликнинг азобларига бардош бера олмасдан, очликдан шишиб ўлишди. Шу жумладан, менинг ота-онам ҳам. Мен эса ўз билгимча «ҳаёт» кечирардим...

«Болалар уйидаги осуда ҳаётим ҳам бошланди. Бу ерда ҳар қалай хавф-хатардан йироқман. Энди кечалари совуқ қотиб, оёқ-қўлимни бир жойга йиғиб, ғужанак бўлиб ухламайман. Оқ чойшабларга ўралиб, иссиқ хоналарда бехавотир ухлаяпман. Тарбиячи — зеҳнинг ўткир бола эконсан, тезда саводинг чиқиб, ҳаммадан ўзиб кетасан, деб мақтайди. Шунинг учун ҳар куни қўлимдан китоб тушмайди. Ўтилганларни то чарчаб ухлаб қолгунимча такрорлайман».

(Исмоил аканинг эсдаликларидан)

У болалар уйида вояга етди. Шу ерда комсомолга ўтди, ўқишни тамомлагач, 1943 йили 18 ёшли Исмоил Одамбоев ҳам кўплар қатори Ватан ҳимоясига отланди, уни Берлинда тугатиб, она шаҳри Тўрткўлга ғалаба билан қайтди.

Пахта, пилла, қоракўл, ковуни билан донғи мамлакатга кетган Тўрткўлни собиқ жангчи таниб олмай қолади. Жайҳуннинг кетма-кет қилган хуружларига бардош бера олмаган шаҳар унинг домида деярли ғарқ бўлганди. Ҳарбий ҳисобдан ўтган собиқ ҳарбийга озиқ-овқат карточкасини тутқазишди. Одамлар урушдан букилган қаддларини ростлаётганди. Кўп хонадонларда хурсандчилик — аскар тўйлари. Кўплар эса ҳали ҳам боумид — отасини, ўғлини, акасини, севган ёрини кутаяпти. Исмоилни эса қаерга ишга кирсам экан, деган хаёл ўртайди. Яхшиямки, рус тили ўқитувчиси Неля Чимборисовага дуч келиб қолди. Ана шу кишининг маслаҳати билан ўқитувчилик касбига боғланиб қолди. Орджоникидзе номли мактабда ўқитувчилик қилди. Кейин янги Тўрткўл шаҳрини қуришда комсомолларга сардор бўлди.

Шу шаҳар улардан тарихга эсдалик бўлиб қолди. 1949 йилдан бошлаб Исмоил Одамбоев комсомол ишида фаол ишлади.

Қуёш нурларининг таъсиридан чўл тандирдек қизиган. Чўлдаги бари парранда-ю дарранда салқинга беркиниб олган. Тиқ этган овозни эшитмайсиз. Фақат узоқдаги тракторларнинг тириллагани қулоққа чалинади, холос.

— Бу фидойилар «Қирққиз» массивини ўзлаштираётган тўрткўллик чўлқувар — баҳодирлар эди, — деб эслайди ўша йилларни Исмоил ака. — Чўлни ўзлаштириб, янги ерлар ҳам очдик. Қани энди, бу ерларга одамларни олиб кела олсак. Ҳеч ким ўз уйини ташлаб чўлга бориб яшашни истамайди. Шунда биз комсомоллар ўзимизни кўрсатишимизга тўғри келди. Бир неча комсомол аъзолари оиламиз билан чўлга кўчиб келдик. Дастлабки йиллари иш бошлаганимизда қийинчилик кўп бўлди. Кўчиб келганларнинг кўпи қайтиб ҳам кетди. Ҳозир эса бу ерларни чўл дейишга тилингиз бормайди.

— Сиз кўп йиллар комсомолда ишлагансиз, унинг ҳозирги аҳволи тўғрисида нима дея оласиз? — деб унга савол билан мурожаат қилдим.

— Комсомолнинг инқирозини энг аввало тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганлигидан, деб биламан. Биласизми, биз ишлаган пайтда оддий бир йиғилишга бормай кўринг-чи, шу куни ўзингизни комсомолдан чиқдим, деб ҳисоблайверардингиз. Ҳозир асосий — йилда бир бўладиган ҳисобот-сайловга райкўм ходими бормай қўйиши мумкин. Бу қандай тартиб, райкўм ходими ташкилотнинг қандай ҳаёт кечираётганини билишдан бош тортса?

Уз ҳаётимда рўй берган бир воқеани айтиб бераман. 170 километр наридаги янги пойтахт — Нукусга конференцияга бориш учун эрталаб соат 10.00 да йўлга чиқдик. Конференциянинг соат 16.00 да бошланиши белгиланган эди. У пайтлари Тўрткўл билан Нукус оралиғидаги йўл асфальтланмаган эди. ЗИЛ машинамиз Қипчоқ қишлоғига етганда бузилиб қолди. Шофёр ҳали-бери машинанинг созланмаслигини айтди. Нима қилиш керак? Конференцияга етиб бориш шарт. Акс ҳолда ҳаммамиз... Қишлоқ монтёри бизни қутқариб қолди. У симёғоч орқали Нукус билан уланиб, бизнинг қай аҳволда эканлигимизни тушунтирди. Эрталаб 10 да йўлга чиққан делегациямиз кечқурун 10 да манзилига етиб борди.

Комсомол сифатни унутиб, сонга зўр берди, натижада обрўйига путур етказди. Хоҳлаганни ҳам, хоҳламаганни ҳам зўрлаб бўлса-да, ўз сафларига тортаверишди. 50-йилларнинг комсомолларини яхши эслайман. Комсомолнинг обрўйи фирқаникидан сира ҳам қолишмасди. Истисносиз, Уставга зид ҳаракат қилган аъзоларни аямасдан, сафимиздан ўчирардик. Яна комсомол ваъдабозликни йиғиштирмас экан, унга ҳеч ким ишонмайди.

Яқинда бир неча йигитларимиз Тюмендан қайтиб келишди. Сабаби битта: ёлғон ваъдаларга учган йигитлар у ерда ҳаммасининг тескари бўлиб чиққанини кўриб, ранжишган. Сўзи бошқа-ю, иши бошқалик эмасми бу? Эълонларда фалонча пул, фалон нарса, деб уларни алдашади-ю, ўзларини ҳақоратга тутиб беришади. Айнан мана шу охири ўйлаб қилинмаган ҳаракатлар унинг мавқеига путур етказди. Ёшлар қачон фаол бўлишади? Фақатгина эркин бўлишса, ташаббуслари бўғилмаса. Мен ёшларимизга панд-насиҳат бериш ниятида эмасман. Лекин уларнинг кўра-била туриб, нобоп ишларга қўл ураётганлари ранжитади. Тўғрисўзлик ҳеч вақт панд берган эмас. Уларни талтайиб кетганликда айбламоқчи ҳам эмасман, мен уларга берилаётган тарбиянинг бузуқлигидан куйинаман. Ҳар бир шаҳарда, қишлоқда истаганча топиладиган видеолар тўғрисида комсомол нега жим? Аксинча, уларга ҳомийлик қилмоқда. Улар ишлаб топган пулнинг бир қисми комсомолнинг чўнтагига тушмоқда. Комсомолга бундай топилган пуллар наҳотки, сингса?

Тўғри, маблағ керак. Лекин бу йўл билан эмас. Ҳозир қишлоқларда одамларга қўшимча томорқа беришган. Қишлоқлар учун айни кунда маҳсулотни қайта ишлайдиган агросаноат корхоналари сувдай, ҳаводай зарур. Нега комсомол шу жажжи корхоналарни бунёд этишга бош бўлмайди?

У ёниб, куйиб гапида давом этади. Исмоил акани ҳам тушуниш керак. Комсомолга бор меҳрини, ҳаётининг ярмидан кўпини бағишлаган инсонга унинг шаънига путур етказаётганлар асло ёқмайди. Лекин қачондир комсомол ўз мавқеини тиклашига, ёшларни — унга содиқларни қабул қилинишига ишонади. Буни замон ҳали кўрсатади.

Мирза АБДУЛЛА.
Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Тўрткўл шаҳри.

Акс-садо

НИҲОЛНИ КИМ ҚЎПОРИБДИ?

Ҳурматли ҳамкасабам Е. Қаршибоев!

Бизнинг манфаатларимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга қаратилганлиги учун мен Сизни ҳамкасабам деб атадим.

Сизнинг «Ёш ленинчи» рўзномасида (№ 52, 1990 йил 16 март) чоп этилган «Кўпориладиган ниҳоллар» сарлавҳали мақолангиз жуда ҳам вақтида чиқди. Аслини олганда, биз иккимиз ўртамизда гов турганга ўхшайди. Менимча, Сизнинг мақолангиз ёшлар рўзномасида босилиб, ёшларни ҳозирги кундаги муҳим вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишга қаратилган бўлса керак. Лекин Сиз ёшларни алдаяпсиз, демоқчи ҳам эмасман.

Сизнинг пахтачиликни ривожлантиришга тутган ўрнингиз ҳақида ҳеч гапиргим йўқ. Лекин, Сиз академикнинг деҳқончилик ва агрохимия институтида ишлаб, тупроқни соғломлаштириш масалаларини ҳал этиш ҳақида мақола чиқариш учун бошқа томонга ўтиб кетгансиз. Бу ҳам ошкоралик меваси. Аммо, мақолангиздан кўриниб турибдики, ўз вазифангизга муносиб фикр юритмагансиз. Бундай пайтда, кундалик матбуотни ўқиб бориш, раҳбар органларнинг қарорларини, биринчи навбатда жумҳуриятда алмашлаб экишни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорларни билиш керак бўлади.

Лекин, ҳамма ҳам сўз ва матбуот эркинлигига эга, шу сабабдан Сизнинг мақолангиз рўзномада босилган. Аммо, мақолани тайёрлашда академик И. Искандаров ва профессор А. Қашқаров билан гаплашганмисиз, бу менга қоронғу. Улар Сизнинг мақолангизга ўз фикрларини билдиришса керак. Аммо Сиз, мақолани чиқаришдан аввал мен билан учрашишингиз, ёки телефон орқали гаплашишингиз мумкин эди-ку!

Сиз менинг «Правда», «Қишлоқ ҳақиқати», «Сельская правда», «Московские новости», «Правда Востока» рўзномалари, «Ўзбекистон коммунисти», «Хлопок», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналларида бир неча марта босилган мақолаларимни ўқиганмидингиз!

«Сельская правда»да 1988 йил 26 июль 170-сонида босилган кескин танқиддан бир жумлани келтирмоқчиман:

«...Утган беш йилликда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш режасининг жуда ҳам юқори бўлиши пахтачиликда илмий асосланган алмашлаб экиш жадвалининг бузилишига, пахтакор хўжаликларда экин майдони структураси бузилишига олиб келди. Узоқ вақт давомида бир майдонга фақат пахта экилаверадиган бўлди, пахтанинг йўлдоши бўлган беданинг далада туриш вақти қисқартирилаверди». Мана шундай кейин ҳам Сиз мени пахта экиладиган майдонни кўпайтирди, деган айбни қўймоқчи бўласиз.

1990 йилда жумҳуриятда 4,7 миллион тонна пахта хом ашёси етиштириш режаси белгиланганлигини Сиз билмасангиз керак. Бу тўрт йил аввал белгиланган бир миллион кам демакдир, пахта экиладиган майдонлар эса уч юз минг гектар камайтирилди. Бу ерларга алмашлаб экиш мақсадида беда экилади, озиқ-овқат дастурини ҳал этиш учун сабзавот, полиз ва картошка етиштирилади, бундан ташқари у ерлар хўжаликлар, деҳқон-ишчиларнинг томорқаларини кенгайтиришга ҳам қўшилиб кетади.

Сизнинг фикрингизча, биз бу ишда қатнашмаётганга ўхшаймиз?

Бўлмаса, нега Сиз мени айбламоқчисиз? Алмашлаб экишни ўзлаштириш масалаларининг ҳаммаси ҳали ҳал қилинганича йўқ.

Бу масалалар қандай ҳал этилаётганлигига ва бу соҳада менинг тутган мавқеимни билмоқчи бўлсангиз «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг 1990 йил 20 февраль 43-сони билан танишиб чиқишингиз мумкин.

Мен бу мақолани тайёрлаётганимда Сизга нисбатан ҳеч қандай жаҳл қилганим йўқ. Мен буни шунинг учун ёздимки, қайси биримиз етилган масалаларни ҳал қилишимиз ва қайси биримиз ишга амалий киришганлигимизни билиниб турсин.

Ҳурматли рўзнома муҳаррири!

Сиздан шу мақолани босиб чиқаришингизни ўтиниб сўрайман. Мен бу билан ўз обрўйимни ҳимоя қилмоқчи эмасман, уни ўқиганлар ҳақиқий аҳволни, жумҳурият раҳбариятининг меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилаётганлигини билиши керак деб ўйлайман.

Агар рўзнома буни хоҳласа XII беш йилликда жумҳурият пахтачилигидаги туб ўзгаришлар ҳақида, янги ҳосил ва алмашлаб экиш масалалари, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, пахтачиликни интенсивлаш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ҳал этиш ҳақида материал беришга тайёрман.

Сизларга самимий ҳурматимни яна бир марта изҳор этаман.

Р. НАЗАРОВ
биология фанлари номзоди.



Тошкент ўйинчоқлар фабрикасини қайта жиҳозлаш ва қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Корхона ўтган йили «Семург» фирмасига айлантирилган эди. Бу эса ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташаббуси билан тузилган «Тараққиёт» Бутуниттифоқ акционерлик жамиятининг фаолияти туфайли амалга ошди. Жамиятнинг мақсади эса болалар учун ўйинчоқлар чиқариш кўламини кенгайтириш ҳамда яхшилашдан иборат.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган ўйинчоқлар андозасини ишлаб чиқишда «Семург»дан ташқари яна 29 та корхона рассомлари иштирок этмоқда.

Суратда: тикув цехининг назоратчи устаси Зулфия Ваҳобова (ўнгда) ҳамда тикувчи Залмира Рустамовалар иш устида.

ЎзТАГ мухбири Л. ЖУРАВЛЕВ олган сурат.

ИШЧИ ЁШЛАР БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

Редакциямизнинг ишчи ёшлар бўлими ҳар куни муштарийлардан кўплаб хатлар олади. Уларда жойларда меҳнат қилаётган ёш ишчи ва хизматчиларнинг кундалик ташвишлари, жумҳуриятимизда юз бераётган ўзгаришларга дадил, ошкора муносабат билдирилади. Ана шундай мактублардан бирини Тошкент ноҳиясининг Шодлик кўчасида истиқомат қилувчи уй бекаси **Набира БАҲОДИРОВА** йўллаган: «Ҳозир мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриб ўйланиб қоласан. Нима учун шунча йиллардан буён қон ютиб, индамай келдик. Менимча, қайта қуриш, ошкоралик, демократия туфайли ўзлигимизни секин-аста англаяпмиз, ҳақ-ҳуқуқимизни таниялмиз. Мени кўпроқ ўз жумҳуриятимиз иқтисодиёти қизиқтиради ва ташвишлантиради.» Шундан сўнг хат муаллифи пахта ва умуман иқтисодий мустақиллик ҳақида ўз фикрларини баён этган. «Муаммоларни бартараф этиш учун қачонгача бошқалар оғзига қараймиз, уларнинг рухсатини кутамиз. Ўз миллий бойликларимизга ўзимиз хўжайин бўлмоғимиз керак. Бусиз олға силжишнинг сира иложи йўқ».

«Сайловолди учрашувида бизнинг Нишон ноҳиямиздан номзоди кўрсатилиб, бугунги кунда депутатлик мандатини қўлга олган ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ҳ. Фармоновга савол бермоқчи эдим. Бироқ журъат қилолмагандим, деб ёзади Толимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармаси ишчиси **Ғ. ХЎЖАҚУЛОВ.** ГРЭСни қураяпмиз-у, уни кимга топшириш масаласи мени қийнаб келаяпти. Чунки бу корхонага ҳам малакали ишчилар, раҳбар кадрлар керак бўлади. Шу мақсадда жумҳуриятда бирор тадбир кўрилганми ва кўрилган бўлса, улар қайсилар?» Очиғи, биз ҳам бу масалада бирор тасаввурга эга эмасмиз. Аммо ГРЭС қурувчиларига ва Нуристон посёлкасида истиқомат қилувчиларга истагимиз шундай: журъатсизликни бир ёққа қўйиб, ўзингиз сайлаган ва сайловчилар ҳамда мавзе юкини зиммасига олган депутатлар олдига боринг. Балки ана шу ишлардан уларнинг хабарлари бордир?

«Биз Амударё ноҳияси «Ўзсельхозтехника» корхонасида ишлаймиз. Илгари хўжаликларнинг битта пахта териш машинасини ремонт қилганимиз учун улардан корхонамиз 1329 сўм пул ундирарди ва бизга 90 сўм иш ҳақи ёзишарди. 1990 йилдан бошлаб бундай харажат хўжаликлар учун 1800 сўмга айланадиган бўляпти. Шунга яраша биз ишчиларнинг ҳам маошимиз ўзгарадими?» дейилади **Б. МАДРАҲИМОВ** имзо чеккан хатда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нега энди бундай жумбоқлар жойлардаги раҳбарларнинг ўзига берилмайди? Ё уларга бўлган ишонч шунчалар сўнганми?

Бухоро вилоятининг Свердлов ноҳиясидаги идоралардан бирида ишловчи иқтисодчи ва бухгалтер (уларнинг кимлигини кўрсатиш ноқулай бўлди) ҳисоб-китоб ишларида ишлатиладиган идора чўтининг қаерда, қачон ва ким томонидан ихтиро этилганлигини сўрашган. Олий ёки ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ўз иш қуроллари тарихини билиш учун редакция ходимларини овора қилишлари шартми? Турмушимизда бундан бошқа муаммо йўқми? Ёки ҳамма юмушларимиз битиб, кунимиз эрмак билан ҳаёт кечиришга қолдими? Тўғри, кимларнидир безовта қилиб, жавоб ҳам беришимиз мумкиндир. Аммо қорни ёлчиб овқатга тўймаётган ёки Орол туфайли болалари йил сайин касалга чалиниб, боши ғам-ташвишдан чиқмаётган ёки яна бўлмаса, иш қидириб шаҳарма-шаҳар тентираб юрган минг-минглаб ўспиринлар учун бу гапларнинг нима қизиғи бор, деган савол туғилмайдими?

Андижонлик **Ҳошимжон УРАИМОВ** жумҳурият бўйлаб тозалик кунини ўтказиш бўйича билдирган таклиф-мулоҳазаларида барчани ана шу таклифни қўллаб-қувватлашга чақиради. Жуда яхши, ибратомуз ташаббус. Бироқ рўзнома саҳифаларидан туриб сен ундай қил, сен бундай қил, қабилидаги мурожаатлар мавриди ўтмадимикин? Марҳамат, тозаликни соғлик гарови, деб биладиганлар йилига эмас, ойига ҳам эмас, ҳар куни шанбалик ўтказишсин. Бундан фақат шу ишни бошлаганлар ютади.

Мактублар, мактублар, мактублар... Уларда ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Минг шукурки, «Фалончи жамоа фалонинчи йилнинг писмадон ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Иш календарида кейинги беш йиллик ҳисобини очди», мазмунидаги мактублар сони камайди. Унинг ўрнига аниқ мақсад ўртага ташланган хатлар олмоқдамиз ва уларга баҳоли қудрат ёрдамлашишга ҳаракат қилинмоқда.

Шундай мактублардан бирини Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, ёш болали она Сабоҳат **САИДҚОСИМОВА**дан олган эдик. Хат муаллифи корхонадаги ижтимоий ноҳақликлардан шикоят қила туриб, турар жой шароитини яхшилаш мақсадида ёрдам пули ололмаётганлигидан нолиган. Фабрика маъмуриятидан (директордан тортиб хотин-қизлар кенгаши раисигача имзо чекишган) олинган жавобга эътибор беринг энди: «Саидқосимова Сабоҳат ўзи декрет отпускасида бўлса-ю, қай йўл билан унга (боласига дейилмоқчи — ред.) боғчадан жой бўлиши мумкин. Сабоҳатга ўхшаган ёш оналаримиз 600 кишидан ортиқроқ. Сабоҳат боғчага навбат дафтарида 596-этиб ёзилган. Қани бу коммунист аёлнинг онги, нега у бошқалар, яъни боласининг ёши боғча ёшидан ўтиб ишга чиқадиган вақти етган бўлса ҳам, боғчада ўрин йўқлиги туфайли уйга иш олиб ишлаётган дугоналари ҳақида ўйламади экан? Нега коммунист бўла туриб, бола боқишдаги арзимаган қийинчиликларга бардош бера олмай (?) болани боғчага жойлаштирмоқчи бўлган». Маъмурият жавобидаги қолган жумлалар ҳам худди шундай пайдар-пай гаплардан иборат. Нима, коммунистлик Сабоҳатнинг айбими? Ёки фирқа аъзолари боламни боғчага жойлаштираман демаслиги, қарз сўрамаслиги керакми? Бола тарбияси арзимаган иш эканми? Мисол тариқасида келтирилган ёзишмалар тақдирига ишчи ёшлар бўлими яна қайтади.

Бўлим қимматли вақтларини аямасдан у ёки бу масалада фикр алмашишган муштарийлар: қашқадарёлик **М. Эшонқулова, Н. Жўраев, С. Ҳамроев, Д. Ашуров,** ўшлик **Т. Худойқулов,** андижонлик **А. Аҳмадалиев, Ҳ. Бозорбоев, А. Эргашев,** фарғоналик **А. Қутбиддинов, Р. Ҳамидов, М. Эргашев,** наманганлик **Б. Камолов, М. Қўлдошев, А. Бобохонов, Т. Сулаймонов,** сурхондарёлик **В. Новиков,** сирдарёлик **У. Сирожев, Д. Одилов,** жиззахлик **Ш. Нуралиев,** Самарқанддан **Ҳ. Турсунов, У. Раҳимов, Г. Муродова, Ж. Шукуров, Г. Нормуродова,** Тошкентдан **Э. Худойназаров,** Бухородан **З. Субонова, И. Шарипов,** хоразмлик **Б. Юсупова, Э. Иброҳимов,** қорақалпоғистонлик **К. Раҳимов,** Свердловскдан **Т. Уринбоев,** Москвадан **С. Мадраҳимов,** Тошкент вилоятидан **У. Сулаймонов, Ш. Умарова, С. Ғозиев** ва бошқаларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Сизлардан ишлаб чиқаришда банд бўлган ва ишсизлик «дарди»ни бошдан кечираётган ёшларнинг қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилувчи аниқ, лўнда мактублар кутамиз.

Сувонқул РУСТАМ.
Ишчи ёшлар бўлими мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

ИШЧИЛАР НЕГА НОРОЗИ?

«...Тишни тишга қўйиб чидаяпмиз. Аммо чидамоқнинг ҳам ниҳояси бордир. Қачонгача азоб чекамиз?

Цехимизга келган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Оёқ ости зах, сув. Қишда совуқ. Ахир қачонлардир қурилган иситгичлардан айрим темир парчаларигина қолган, холос. Уззу кун шовқиндан асабингиз қақшайди. Маошнинг баракаси йўқ. Бор-е, деб ҳаммасига қўл силтаб кетиб юборай дейсизу, уддасидан чиқа олмайсиз. Андижонда ишга жойлашиш лотереяга ютуқ чиққандай гап.

Иссиқ хоналарда, юмшоқ курсиларда ястаниб олиб буйруқ қиладиган раҳбарларимизнинг эса парволари палак. Уларга арз қилавериб чарчадик».

Роппа-роса икки йил аввал «Андижонгидромаш» заводининг 15-тайёрлов цехи ёш ишчиларидан худди ана шу мазмунда мактуб олгандик. Биз ишчилар ҳузурида бўлиб шароитни обдон ўргандик. Уларнинг куюнганича, зорланганича бор эди. Иш шароити ниҳоятда оғир. Инсон омили ҳақида куйиб-пишиб гапираётган завод мутасаддиларининг гаплари алдовдан ўзга нарса эмасди. Рўзномамизда танқидий мақола эълон қилинди.

Аччиқ ҳақиқат расмиятчилик қобиғига ўралиб олган раҳбарлар кўзини очиб қўяр, деб умид қилдик. Аммо орадан икки йил ўтгач ёш ишчилардан яна мактуб олдик:

«...Сабрнинг таги олтин, дедилар. Сабр қилдик. Аммо аввал редакцияга мактуб ёзганларнинг ҳозир ярмиси ҳам қолмади. Сабаби улар шароитга чидай олмай бўшаб кетдилар. Биз эса ишимизда бирор ўзгариш бўлармикан, дея кутяпмиз.

Тўғриси, кутавериб чарчадик. Иш ташламоқчимиз. Аммо бундан ким зарар кўради. Ҳамкасбларимиз ҳамёнига зиён, холос. Ахир улар биз тайёрлайдиган хом ашёга кўз тикиб туришади-ку».

«Андижонгидромаш» заводининг 15-цехида хом ашё тайёрланиб, темир парчалари қирқилади, уларга турли шакл берилади. Цехда бўлганимизда бу ерда деярли ҳеч нарса ўзгармагани, аксинча, икки йил давомида шароит янада хароблашганлигининг гувоҳи бўлдик.

Цех биноси инқилобдан аввал бойларнинг омборхонаси бўлган. Кейинчалик у цехга айлантирилиб, дастгоҳлар ўрнатилган. Уларнинг аксарияти ҳозир ҳам ишлатилмоқда. Шубҳасиз, иш унуми оз. Тез-тез бузилиб туради. Боз устига агар ёмғир ёққудек бўлса, цехнинг ёнида ишлаш хавфли. Ишчини электр токи уриши мумкин. Оёқ ости лой. Бинонинг ҳар икки дарвозаси ҳайҳотдай очиқ. Дераза ойналарининг бутуни йўқ. Шовқин асабларни таранг қилади.

— Ишонмаслигингиз мумкин, — дейди темир қирқувчи Исроилжон Султонов, — аммо бор гап. Қишда совуқдан ишлаб бўлмади. Дастгоҳлар олдида ўт ёқиб исиниб ишлашга мажбур бўлдик. Тўғри, цехда ўт ёқиш техника хавфсизлиги қоидасига тўғри келмайди. Аммо иложимиз қанча?

Ишчиларнинг уст-бошини кўриб, инсон қадрига панжа остидан қаралаётганига юрагингиз ачишади. Кийимлар мойдан ялтираб кетган. Кимнингдир оёғида кирза этик. Бошқа бировида туфли. Хуллас, ҳамма борича кийинган. Маълум бўлишича, ишчиларга махсус кийим-бош қачонлардир берилган экану, кейин унутилган экан. Ёлғон бўлмасин, қўлқоп бир ойда бир марта берилади. Аммо, у бир ҳафтагагина етади, холос. Сабаби темир парчаларини ушлаш, кўтариш, кесиш, ташиш каби ишларда у узоққа чидамайди.

Кийиниш хоналарини кўриб кулгингиз қистайди. Хонанинг эшиги йўқ. Ювиниш хоналарини қандай таърифлашни билмай қолдик, негаки бу ердаги лўнда қилиб ифодаловчи сўз ҳали луғатимизда йўқ экан. Бу ердаги иш жараёни кўпроқ инқилобдан аввалги иш шароитига ўхшаб кетади. Энг зарур бўлган эҳтиёжлар учун ҳам имкон йўқ.

Ташқарига чиқамиз. Атроф ифлос. Темир парчалари уюлиб ётибди. Уни йиғиштириш, тартибга солиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди чоғи. Цехдан чиқариб ташланаётган чиқиндилар тўпланавериб «тоғ» ҳосил қилган. Уни ташиб кетиш учун ишчи кучи етишмайди. Дастгоҳда ишлайдиган ишчилар баҳоли қудрат «уринишмоқда». Аммо текинга мушук офтобга чиқмайди, деганларидек қўшимча меҳнат улар учун манфаатли эмас. Тўғри, бундай ишларга маъмурият қўшимча ишчи кучи ёллайди. Лекин узоқ вақтлардан бери йиғилиб қолган уюмларни йиғиштиришга уларнинг қўли калталик қилмоқда.

Цехда ўртача иш ҳақи 140-150 сўмни ташкил этади. Оғир иш шароитида меҳнат қиладиганлар учун бу, албатта, кам. Қолаверса, бундай иш ҳақи рўзғор тебратишга зўрға етяпти, дея ёшлар зорланишаётганларида, улар ҳақли.

Иш ҳақини оширишнинг омилларидан бири: замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш керак. Алмисоқдан қолган дастгоҳлар билан бугунги кун талабидаги хом ашё тайёрлаб бўлмайди. Инсон омили ҳақида эса оғизда эмас, амалий иш зарур. Тайёрланаётган маҳсулот нархини ҳам кўриб чиқиш керак. Чунки қачонлардир тасдиқланган нарх кўрсаткичи ҳозир ҳам амалда. Оқибатда ишчиларда норозилик туғилмоқда.

Ишчилар тақдирига бефарқлик шунга олиб келяпти, ёшларда ҳақли эътирозлар пайдо бўлаётир. Оддийгина мисол. Муҳсин Кенжаев ўтган йилнинг декабрида иш жойида тан жароҳати олди. Шубҳасиз, унга касаллик варақаси очилди. Аммо цех мутасаддилари М. Кенжаев билан «муроса» қилиш йўлига ўтдилар. Тан жароҳати ҳақида акт тузилмади. Ахир акт тузилса техника хавфсизлиги бўйича мутасаддилардан кимдир жазоланиши керак эди-да. Ишчи иш бажармади. Тўғрироғи, 15 кун ишга келмади. Аммо унга иш ҳақи ёзилаверди. Бу биргина мисол. Худди шундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар туфайли ўртача иш ҳақи миқдори тушиб кетяпти. Техника хавфсизлигининг талабга жавоб бермаслиги хаспўшланмоқда.

— Дардимизни айтсак, биз «шикоятчи»га айланамиз, — дейди ишчи Юсуф Режапов. — Цех бошлиғи В. Чакчир биз билан ҳисоблашмас эди. Қолаверса, у бизни ўғрига чиқарди. 1200 та кесилган темир парчасини ўғирланган, дея бизнинг зиммамизга қўймоқчи бўлди. Аслида унинг ўзи кетмон учун қирқилган темир парчаларининг йўқолишига жавоб бериши керак.

Ишчилар юрагига йўл топа олмайдиган раҳбар вазифасидан озод қилинди. Аммо шарт-шароит эса...

Цехда кадрлар қўнимсизлиги ниҳоятда юқори. Меҳнат унумдорлиги паст. Ишлаб чиқариш режалари учма-уч бажарилади.

— Ишчиларнинг ҳақли талабларига ечим бўладими? — сўраймиз корхона комсомол ташкилоти котиби Зайниддин Солиевдан.

— Очиғини айтиш керак, — тан олади котиб, — бирон нарсага умид қилиш қийин. Қўлимиз калталик қилмоқда. Цехни бузиб умуман қайта тиклаш керак. Бунинг учун 6 миллион сўм маблағ зарур. Оғир машинасозлик саноати вазирлиги шу беш йилликда заводдаги қурилиш ишларига 500 минг сўм маблағ ажратди. Агар заводга эътибор шу тахлитда бўлса, бир нима дейиш қийин.

Тайёрлов цехи ёнида пайвандлаш, йиғиш цехи бор. Ҳозир цех учун янги бино тиклашга ҳаракат қилинмоқда. Қурилиш бошланди-ю, иш ўлда-жўлда...

Умуман энг оғир иш участкасида меҳнат шароити оғирлигича қолмоқда. Бирон бир ўзгариш бўлганича йўқ. Албатта, эндиликда, цех раҳбарлари, меҳнат жамоаси кенгаши мутасаддилари янгиланди. Кимларгадир йўл қўйилган камчиликлар учун маъмурий жазо берилди. Лекин инсон омили, иш шароити эса аввалгидек. Эски тос эскилигича қолмоқда. Муаммони ким ҳал этади? Қачонгача ишчилар дардини айтиб йиғлашади? Юқори вазирликдаги мутасаддилар бунга аниқ жавоб берадилар, деган умиддамиз.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Андижон вилояти.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МИЛЛИЙЛИК

4. Соҳиблик омили

Юқоридаги мулоҳазалардан маълумки, жумҳурият халқ хўжалиги структураси на ижтимоий, на иқтисодий, на экологик нуқтаи назардан талабга жавоб беради. У инсон эҳтиёжларидан тобора узоқлашиб бораётир. Ҳар йили иқтисодиётни ривожлантириш учун миллиардлаб капитал маблағ, минглаб техника, тонналаб минерал ўғитлар, миллионлаб кишиларнинг меҳнатини сарф қиламиз. Лекин кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти жуда секинлик билан ўзгармоқда. Баъзи маҳсулотлар, айниқса, кундалик эҳтиёж учун зарур товарлар тақчил бўлиб бораётир. Одамлар қўлидаги пул ва унинг товар таъминоти орасида мувозанат бузилган. Пулнинг қадрсизланиши кун сайин давом этмоқда. (Ҳозир бир сўм 60-йиллар бошидаги 35 тийинга тенг). Қисқаси, жумҳурият иқтисодиёти инқирозга юз тутган. Ундан қутулишнинг бирдан-бир ва асосий йўли соҳиблик ва миллийлик омилларини ишга солишдадир.

Хўжайинлик омилининг қанчалик кучга эга эканлиги тарихдан ва «учинчи дунё» мамлакатлари тараққиётидан бизга жуда яхши маълум. Буни Ҳиндистон, Покистон, Ливия ва бошқа Африка давлатлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда СССРда бўлаётган ўзгаришлар, жумҳуриятларнинг хўжалик ҳисобига ўтаётганлиги ҳам эгалик омилини ишга солишга қаратилгандир.

Унинг асосий мақсади — жумҳурият аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, миллий хусусият ва имкониятларни ишга солишдир. Бунинг учун эса жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги таъминланиши ва унинг суверен ҳуқуқлари тан олиниши керак. Асосий ғоя шундаки, ҳар ким ўз уйида бировдан кўра яхшироқ тартиб ўрнатади. Уни тоза-озода, саранжом-саришта тутади. Ютуқ ва камчиликларини ҳаммадан яхши билади.

Соҳиблик омилини ишга тушириш учун шу йил биринчи январдан Болтиқбўйи ва Белоруссия жумҳуриятлари хўжалик ҳисоби асосида иш юритдилар. 1991 йил 1 январдан эса СССРда бошқа ҳамма қардош жумҳуриятлар, жумладан Ўзбекистон ҳам иқтисодий мустақилликка ўтади. Ҳар ким, ҳар миллат ўз аравасини ўзи тортади. Ўзининг имконияти, феъли ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўзлари истаган шаклда ва усулда мустақилликка ўтишлари мумкин. Бу Иттифоқ қарорларида айтиб ўтилган. Эгалик ҳуқуқларини мустаҳкамловчи бир қанча қонунлар ишлаб чиқилди. Корхоналар, жамоа, давлат хўжаликларининг мустақиллик ҳуқуқларини тўла-тўкис ҳимоя қилувчи ижара, ер ва мулкчилик ҳақидаги қонунлар бунга мисолдир. Бу қонунларга биноан улар экин структурасини, турини, савдо-сотиқни мустақил бозор ва эҳтиёжга қараб танлаши мумкин эди. Бироқ, амалда бундай бўлмаяпти. Шунга қарамай, бирон бир райком котиби, хўжаликлар раҳбарлари ушбу қонунларни бажармаганлари ва бузганлари учун ишдан кетганлари ёки жазо олганларини эслолмайман. Айни пайтда, қанчадан-қанча мутахассислар, хўжалик раҳбарлари юқори ташкилотлар инструкцияларини, кўрсатмаларини бажармаганлари учун жавобгарликка тортилдилар, ишдан кетдилар. Қонун кучлими ёки инструкция ёки аллақандай кўрсатма? Қачон қонунларни ҳурмат қилишга ва уни бажаришга ўрганамиз?

Иқтисодий мустақиллик, соҳиблик бирон киши ёки олло-таолонинг истаги эмас — ҳаёт эҳтиёжи. Маъмурий буйруқбозликни емирувчи — ягов. Иқтисодий мустақиллик ва фақат завод, хўжалик даражасида эмас, балки жумҳуриятлар учун ҳам ҳаёт эҳтиёжига айланди. Бу қуйидагиларда кўзга яққол ташланади. Биринчидан, Ўзбекистоннинг 90—95 фоиз иқтисодий, табиий, маданий бойликлари марказий (иттифоқ ва иттифоқдош маҳкамалар) идоралар ихтиёрида. Ўзбекистон уларнинг хом ашё базасига айланиб қолган.

Иккинчидан, Ўзбекистондаги пахта, қоракўл тери, ипак, тилла хом ашёларининг 90—100 фоизи жумҳурият ташқарасига олиб чиқиб кетилади. Ва улардан келадиган асосий бойлик бошқа жумҳурият ва марказий идоралар ихтиёрида қолиб кетади. Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда, пахтадан келиши мумкин бўлган қўшимча даромаднинг 3,0—3,5 миллиард сўми, пилладан — 280 миллион сўм ва жами бўлиб 5,0—5,5 миллиард сўмлик бойлик ҳар йили жумҳурият миллий даромадини кўпайтириши мумкин эди. Шундай қилиб охирги қирқ йил ичида 200—220 миллиард сўмлик бойлик Иттифоқ манфаатлари учун хизмат қилган. Бу эса Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзини тубдан яхшилаши мумкин эди. Ўзбекистон ҳеч кимдан қарздор эмас. Аксинча, Иттифоқ Ўзбекистондан 150 миллиард сўмдан кўпроқ қарздор. Бу ҳисобдан дотация миқдори чегириб ташланган.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг хом ашё базасига айланиши нафақат миллий даромад ҳажмига таъсир қилди. У ишсизликни келтириб чиқарди, ёшларни ижтимоий пассив гуруҳга айлантирди. Янги, малакали касб ва ҳунар олишга қизиқишларини пасайтирди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ҳар олтинчи киши ишсиз. Жумҳуриятимиз ишсизлик даражаси бўйича дунёда энг юқори ўринларда туради. Ачинарли томони шундаки, ишсизлик асосан маҳаллий аҳоли ва қишлоқлардадир. Ҳолбуки, хом ашёни шу ернинг ўзида қайта ишласак, Ўзбекистоннинг меҳнатга лаёқатли ёшлари, йигит ва қизлари ўз қўллари билан турли хил нарсалар, ускуна ва буюмлар яратиш, меҳнат қилиш бахти ва нашидасини суриши мумкин эди. Лекин бунга имкон йўқ. Чунки, иш жойлари йўқ. Айни пайтда мамлакатимизнинг Оврўпа қисми жумҳуриятларида ишчи қўлларини кутаётган фақатгина саноат корхоналарининг қиймати 200 миллиард сўмдан ортиқ. Шунинг ўндан бири жумҳурият ҳудудида бўлиб, Ўзбекистон ёшларини ишсизлик ва мардикорлик сиртмоқларидан тўлиқ олиб чиқа олиши мумкин. Лекин бундай эмас. Чунки иш жойларини яратиш марказий ва маҳаллий маҳкамаларнинг монополиясига айланган. Маҳаллий ташкилотлар эса иш жойи яратиш учун на моддий, на ҳуқуқий имконга эга эмаслар. Маҳкамани эса маҳаллий аҳолининг ташвишлари қизиқтирмайди. Деҳқон боласини иш билан таъминлаш уларнинг вазифаларига кирмайди. Уларга тайёргина мутахассислар керак.

Тўртинчидан, маъмурий буйруқбозлик усули жумҳурият табиатини ҳам жуда қаттиқ жароҳатлади. Оролни, ёлғизгина уммонни саҳрога айлантирмоқда. Экологик вазият издан чиқди. Сув ва ер ресурслари талон-тарож қилинди. Ҳар йили жумҳурият бўйича 5 минг гектардан ортиқроқ ер шўрланиш натижасида қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб қолмоқда. Жами суғориладиган ернинг ярмидан кўпи шўрланган. Марказий маҳкамалар табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиб, маҳаллий аҳолининг ижтимоий ривожланиши учун урвоқ қолдираётирлар. Масалан, Иттифоққа тўғридан-тўғри бўйсунган корхоналар умумий капитал маблағнинг атиги 4—8 фоизини ижтимоий ва қолганини эса ишлаб чиқаришга сарф қилмоқдалар. Ва бу кўрсаткич иттифоқдош ҳамда маҳаллий нозирликларникига нисбатан 5—10 карра камдир.

Бешинчидан, амалдорлар жумҳурият ер ости бойликларидан фойдаланишни ҳам марказ идоралари ихтиёрига олиб берди. Олтин, уран, вольфрам, газ, нефть ва бошқалардан жумҳурият фуқаролари фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Уларни ўзлаштириш маҳаллий аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга ёрдам бермай, аксинча, ёмонлаштирди. Ўзбекистоннинг бир қанча шаҳарлари, Навоий, Чирчиқ, Олмалиқ, Оҳангарон, Ангрен, Муборак, Тошкент ва бошқа шаҳарлари тараққиёти амалда марказий маҳкамаларнинг монополиясига айланди. Миграция жараёнларини пайдо қилди. Ишчи кучлари асосан четдан олиб келина бошланди. Уларни эса уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш биринчи галдаги вазифага айланди. Маҳаллий аҳоли эса бундай ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. Ўз газини бировга бериб, тезак ёқаётган ўзбекларнинг қозони қачон газда қайнашини, тилласини бировга бериб, зеб-зийнатларни тушларида кўраётган қизларнинг қулоқлари ҳеч бўлмаса зиракни қачон кўришини айтиш қийин. Бу эса ўз навбатида миллий низоларни келтириб чиқаришга асосий сабабчи бўлиб хизмат қилаверади.

Олтинчидан, Ўзбекистон деҳқонлари маҳсулотларидан бозор пештахталари синиб кетиши керак эди. Лекин, бундай эмас. Чунки пахта яккаҳокимлиги, деҳқонни «зулукдек сўриш» ва эрксизлик механизми бузиб ташланмаган.

Еттинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда маҳаллий аҳолида шаклланган хусусиятлар ҳисобга олинмади. Аҳолининг ижтимоий-психологик анъаналари, ишлаб чиқариш муносабатлари вайрон қилинди. Булардан ташқари миллий-маданий ёдгорликлар, бойликлар ачинарли аҳволда сақланаётир. Ҳозирги авлод-аждодларимиз ижоди билан танишиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Жумҳурият ёшларининг ўз аждодлари тарихини билмасликларига тоқат қилиш қийин. Шундай қилиб иқтисодий мустақиллик ҳаётий эҳтиёждир.

Фикримча, жумҳурият хўжалик ҳисобида қуйидаги қоидалар амалга оширилгандагина иқтисодий мустақиллик ҳамда унинг самарадорлиги таъминланади:

— Хўжалик ишларини юритишда тўлиқ иқтисодий мустақиллик, яъни юқори ва марказий бошқариш органлари жумҳурият моддий ҳаётини ташкил этишда аралашмайдилар.

— Моддий ва маънавий масъуллик принципи. Бу принципнинг моҳияти шундаки, жумҳурият хўжалик ҳисобига ўтиб, иқтисодий мустақиллик олганидан кейин, бошқариш органлари иқтисодиётнинг самарали ишлашини таъминлашлари ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни яратиш учун масъулдирлар.

— Моддий ва маънавий манфаатдорлик принципи. Ушбу принцип бўйича жумҳурият аҳолиси музоват хўжалик ҳисобидан ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатдор бўлишлари керак. Жумҳурият хўжалик ҳисоби уларнинг моддий ҳаётини оғирлаштириш эмас, кескин равишда яхшилаши керак.

— Ўз-ўзини бошқариш принципи. Яъни хўжалик ҳисобига ўтган Ўзбекистон ССР Конституцияга биноан суверен давлат ҳисобланиб, у ташқи ва ички иқтисодий алоқаларни, бошқариш ва ишлаб чиқариш шаклларини ўзи ҳал қилиши керак.

— Пул товар муносабатлари ёки эркин бозор принципи. Бу принципга мувофиқ Ўзбекистон иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эл давлатлари ва гражданлари билан иқтисодий алоқани қиймат қонуни асосида қуриши керак. Жумҳуриятдан чиқаётган маҳсулотлар эквивалент (шартнома) баҳоларида сотилиши ва асъор, пул ресурслар ва керакли буюмлар билан таъминланган бўлиши зарур. Ташқи савдодан келган фойда пул, асъор ва буюмлар жумҳурият ихтиёрида турмоғи керак.

— Умумиттифоқ манфаатларини кўзлаб, шерикчилик асосида иш юритиш принципи. Иттифоқ билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий алоқалар ўзаро келишув асосида, моддий манфаатдорлик асосида қурилади. Иттифоқ бюджетига фойданинг бир қисмини (5—8 фоиз) ўтказиб туради. Шундай қилиб қарз олувчи эмас, қарз берувчи мамлакатга айланамиз.

— Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш принципи. Бу принцип бўйича Ўзбекистон иқтисодиёт структурасини тубдан қайта қуриш, янги иш жойларини қуришда миллий анъана ва урф-одатларни, хусусиятларни биринчи галда ҳисобга олиш керак.

Иқтисодий мустақилликнинг пойдевори жумҳуриятнинг ўз табиий бойликлари (ер, ер ости, сув, чўл, ўрмон, тоғ ва ҳоказо) ишлаб чиқариш қуроллари эгалигидадир. Ушбу бойликлар жумҳурият халқларининг мулки бўлиши ва Ўзбекистоннинг асосий қомусида мустаҳкамланиши керак. Бунинг учун эса амалдаги мулкчилик муносабатларини тубдан демократлаштириш зарур. Чунки жумҳуриятдаги ишлаб чиқариш кучлари шундай даражага етдики, энди ундан фойдаланишдаги давлат мулкчилиги ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтириб юборди, кишиларда бегоналашув психологиясини пайдо қилди. Мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш орқалигина кишиларга хўжайинлик, соҳиблик ҳуқуқларини, жумҳуриятда эса суверенлик ҳуқуқларини қайтадан тиклаш мумкин. Мулкий муносабатлар тарихий жараёндир. Ундан фойдаланиш шакллари ҳам доим ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам бу масалага диалектик ёндашув керак. Шу пайтгача умумхалқ мулки, деб келинган мулклар амалда маҳкамалар мулки эди. Энди уни ҳақиқатда ҳам умумхалқ мулкига айлантириш керак. Ундан фойдаланиш турлари ва шакллари умумхалқ маслаҳати ёрдамида ҳал қилиниши ва қонунлар билан белгиланиб қўйилиши шарт.

Иқтисодий мустақиллик амалдаги бошқариш усулини ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Шу ўринда бир нарсани равшанлаштириб ўтиш лозим. Умуман олганда одамзот тарихида икки хил бошқариш усули маълум. Бизда бирини — маъмурий, иккинчисини эса иқтисодий усул, деб атайдилар. Икки усул ҳам бошқаришда ишлатадиган воситалари билан бир-биридан кескин фарқ қилади. Биринчиси муштнинг зўрига, иккинчиси сўмнинг (пулнинг) зўрига асосланади. Халқ мақоли билан айтганда бошқарувчини «ё зўри ёки зари» бўлсин. Зўри бор барини тортиб олади. Зари бор эса сотиб олади. Иккала усулда ҳам ҳеч қачон иқтисодий адолат бўлмайди. Шунинг учун ҳам Октябрь инқилоби ҳокимиятни халқ қўлига олиш вазифасини қўйган. Лекин, энди маълум бўлдики, у қоғозда бўлиб, амалда бўлмаган. Қайта қуриш аҳволни ўзгартирди. Хатони тузатди. Ҳокимият халқ қўлига ўтаётир. Ва унинг учта йўналиши: қонунлар ишлаб чиқиш; уларни амалга ошириш ва органлари белгиланди. Президентлик лавозими таъсис этилиб, СССРнинг биринчи президенти ҳам аниқланди. Бизда ҳам худди шундай илғор бошқарув механизми амалга оширилди.

Хўжалик ишларини юритишнинг юқори органи — Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши бўлиб, у жумҳурият халқ депутатлари қурултойида муқобиллик асосида сайланди ва энди унга бўйсуниши ҳам керак.

Аждаҳонинг бир калласини олсанг яна тўрттаси, уни олсанг саккизтаси ва ҳоказо ўсиб чиқаверади. Биздаги бошқариш аппарати ҳам шундай. Бирини қисқартирсанг, яна бошқаси пайдо бўлади. Бир вақтлар агросаноат тузилди. Уни тузишдан мақсад аппаратни қисқартириш эди. У дунёга келиб, бир ёшга тўлар-тўлмас аппарат ходимлари яна 150 кишига ошди. Бу катта бир вазирлик аппарати сонига тенг. Яқинда агросаноатнинг яна қўйлаги алмаштирилди. Кўрамиз нима бўлади. Назаримда унинг аппарати яна ошади. Умуман олганда мамлакатимиз бўйича аппарат ходимларининг сони 18 миллион кишига яқин, Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ. Уларнинг иштаҳаси ҳам аждаҳо иштаҳасига ўхшайди. 20 миллионли Ўзбекистон аҳолиси бир йилда 10 миллиардлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилса, аппаратчилар эса бундан тўрт карра кўпроқ — 45 миллиард сўмлик маҳсулотни бирпасда ҳазм қиладилар. Фақатгина уларнинг тўрт ғилдиракли «от»ларининг қаров-қурувига 11 миллиард сўмлик харажат қилинади. Ҳолбуки меҳнатдан қартайиб қолган, азоб-уқубатлардан юзларини ажин босган қарияларнинг пенсиясини ўн сўмга ошириш учун атиги 1,5 миллиард сўм талаб қилинарди. Аппаратчилардан буни олиш учун, ҳамманинг ёдида бўлса керак, депутатлар роса терлашганди. Шунда ҳам унинг учдан бири партия ходимлари бадаллари ҳисобидан олинди.

Савол туғилади. Дастурхонда егулик нарса йўқ бўлса, амалдор қандай хизмати учун бунчалик арзанда? Унинг асосий вазифаси қоғоз қоралаш, тавсия, рухсат ёки тақиқ ва шунга ўхшаган нарсаларни ёзиш. Ҳар йили тўралар қўли билан 4 миллиард ҳужжат тайёрланади. Ҳаммасини йиғса 500 варақли 15—20 миллион томлик китоб қилиниши мумкин эди. Шунча нарсани тайёрлаш аппарат учун осон эмас, ахир. Ўзлари билан ўзлари овора, халқ манфаати учун ишлашга на вақтлари бор, на кучлари. Шунинг учун ҳам одамлар юмушларини битириш учун идорама-идора овора бўлиб юраверадилар. Тўраларнинг тили бир, дили бир.

Иккинчиси. Масъулиятсизликдан қутиламиз. Шу пайтгача аппаратнинг жамият олдида ҳеч қандай масъулияти йўқ эди. Юқоридаги бошлиқларидан бошқа ҳеч ким олдида жавоб бермас эдилар. Шунинг учун ҳам турғунлик даврида давлатни ўмариш шон-шараф ишига, илм ва касбга айланди. Хазина ўғрилари пайдо бўлди. Мамлакатни бошқаришда маҳфийлик ҳукм сурди, уруғаймоқчилик ривожланди. Бу халқимиз учун ниҳоятда қимматга тушди. Битта мисолни келтирай. 1979 йилда Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари Фанлар академияси олимлари фотиҳаси билан жумҳуриятнинг узоқ муддатли режасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ 1990-йилда пахтани 6 миллион 600 минг, 2000-йилда эса 7,6—8 миллион тоннага етказиш белгиланди. Бундай режалар соғлом ақлга сиғмайди. Яхшиямки қайта қуриш келди. Галдирлар кафансиз кетдилар. Баъзилари эса темир қафасда. Акс ҳолда меҳнатдан зўриққан ўзбек халқи оғзидан қон оқиши, юртимизнинг бели чиқиб кетиши аниқ эди. Чунки галдирлар навбатдаги «юлдуз» учун ҳеч қандай ваҳшийликдан воз кечмасдилар.

Қонунсизликдан, унинг бузилишидан ўзбеклардан ҳам кўпроқ азият чеккан бошқа миллат бўлмаса керак бу дунёда.

Мустақиллик ва соҳиблик омилини оширишнинг яна бир шарти шундаки, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти нархини ўзи белгилаши ва савдо-сотиқни бозор муносабатлари асосида олиб бориши керак. Бозор — ишлаб чиқаришни ривожлантириш, талаб ва эҳтиёжни мувозанатлаш, маҳсулотни айрбошлаш, тақсимлашга хизмат қилувчи воситадир. Ҳозир бизда бунинг тескариси амал қилади. Умри бўйи далани кўрмаган давлат қийматшунослари маҳсулотга баҳо қўядилар, бошқалари эса сотадилар. Биринчидан, ишлаб чиқариш жараёнига қатнашмаган кишининг баҳо қўйишга маънавий ҳаққи йўқ. Иккинчидан, ушбу жараёнга қатнашмаган киши ҳеч қачон харидор ва сотувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилолмайди. Адолат ўрнатолмайди. Натижада юқорида таъкидланганидек хуфёна иқтисодиёт барқ уриб ривожланаверади.

Ўзбекистон халқларининг иқтисодий ҳуқуқларини ташқи бозордан, пўчоқ шўро пулларидан ҳимоя қилиш учун жумҳурият пули бирлигини қабул қилиш объектив заруриятдир. Бунинг яна бир сабаби шундаки, Ўзбекистон биоқуввати бўйича бошқа, айниқса, СССРнинг Оврўпа қисмидаги жумҳуриятлардан 4—6 карра устун. Бу эса деҳқончилик маҳсулотларини анча арзон ишлаб чиқариш имконини беради. Ва ўз-ўзидан унинг баҳоси паст бўлади. Шу сабаб агар пул бирлиги ҳозиргидек қолса, пахта яккаҳокимлиги тугатилиб, ҳамма ер боғ-роғ қилинса ҳам Ўзбекистон халқининг қорни мевага тўймай қолаверади.

Жумҳуриятда бир нечта эпчил, ихчам ва эркин меҳнат бозорларини тузиш мумкин. Бу бозор меҳнатга лаёқатли кишиларни ишга жойлаштириш, меҳнат шартномалари ва муздларнинг (иш ҳақини) назорат қилиб тартибга солиб туради. Ишчи кучларини чет элга экспорт ва импорт қилиш ишларини амалга ошириш вазифалари билан ҳам шуғулланади. Ишчи кучларини импорт ва экспорт қилиш солиқларини белгилайди. Ишни ташкил қилишнинг бу шакли жаҳон амалиётидан маълумки, жуда самаралидир. (Бунга юқорида ҳам мисол келтирилган).

Амалдаги меҳнат шартномаларини ҳам тубдан қайта қуриш зарур. У ишчи ёки деҳқон, умуман ишловчи ва хизматчиларнинг иқтисодий ва қонуний ҳуқуқларини умуман ҳимоя қилолмайди. Амалдор билан қўлтиқма-қўлтиқ юрадиган касаба уюшмаси ишчи қўмиталари уларни ҳимоя қилишга кучи етмайди. Ҳар қандай меҳнатчи бошлиққа ёқмаса, эшик орқасида қолиши мумкин. Айниқса, ҳозир, ошкоралик даврида. Чунки ҳамма бошлиқ ҳам «оғизлик» ходимни ушлаб тургиси келмайди.

Меҳнат шартномалари фикримизча, қуйидагича бўлмоғи зарур.

— Ҳар бир ходим, ишчи ва деҳқон жамоа бойлиги учун ғамхўрлик қилиши зарур.

— Бошлиқ ўз қўл остидагиларга нисбатан ҳимматли бўлмоғи, ўзи қандай турмуш кечирса қарамоғидагилар ҳам энг камида шундай фаровонликда яшаши керак. Чунки, улар тенг ҳуқуқли, озод кишилардир.

— Бошлиқ қўл остидагиларга уларнинг териси қуримай хизмат муздини беришлари даркор.

— Раҳбар қўл остидагиларга, айниқса, хотин-қизларни оғир, қора меҳнат қилишдан ҳимоя қиладиган шарт-шароитлар яратиши шарт.

— Ишловчи ва хизматчилар раҳбарлардан илм талаб қилишлари керак. Бошлиқ эса уларнинг билимларини оширишни ўз кафолатига олиши зарур. Чунки толиби-илм бўлиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун фарздир. Билимсиз тараққиёт йўқ.

Ота-онага ғамхўрлик қилиш ҳам меҳнат шартномасида ифодаланмоғи керак. Ҳар бир ишловчи ота-онасига, оиласига муздининг маълум бир қисмини доимо бериб туриши лозим.

Меҳнат музди жамоа, ширкат ва давлат корхоналари кенгашида ҳал қилингани маъқул. Унинг юқори миқдори белгиланмаслиги ва ҳар ким меҳнатига яраша иш ҳақи олиши керак.

Юқоридаги таклифлар амалга оширилса шаҳарларимиз ахлатхонасида тимирскиланиб юрган рўзбошлар қолмайди.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
«Ёш ленинчи»нинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси, иқтисод фанлари номзоди.

Хорижден хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Жорж Буш яқинда Москвада тугаган Совет-Америка музокараларида эришилган натижалар хусусида ишонч билан гапирди ва Олий даражадаги бўлажак Совет-Америка учрашуви самарали ўтади, деб умид билдирди. Президент Хьюстондан Орегон штатидаги Портленд шаҳрига бораётиб, Президент тайёрасида журналистларга Москва сафаридан қайтиб келган давлат секретари Бейкер билан телефон орқали гаплашганлигини айтди.

ВАШИНГТОН. Дунёда миллиардлаб одамлар оч-наҳор кун кечираётган бир пайтда инсоният қуролланишга ҳар йили бир триллион доллар сарфланишига йўл қўя олмайди. Ҳарбий харажатларнинг тўхтовсиз ўсиши тўхтатилиши ва орқага қайтарилиши керак. Олий даражадаги Совет-Америка учрашуви арафасида Америкадаги 42 минг аъзони бирлаштириб турган «Жаҳонга — нон» жамоат ташкилоти ана шундай даъват билан майдонга чиқди.

«Ҳозир бизнинг олдимизда қуролланиш пойгасини орқага буриб юбориш ва илгари урушга тайёргарлик кўриш учун сарфлаб келинган улкан ресурсларни бошқа мақсадларга: очлар ва муҳтожларга ёрдам беришга йўналтириш учун нодир имконият вужудга келмоқда, — деди «Жаҳонга — нон» ташкилотининг президенти Артур Саймон. — Башарти биз бу имкониятдан фойдалана олмасак, жаҳонда қурол-яроғларни ғамлаш давом этаверади, дунёдаги энг камбағал мамлакатлар ўртасида можаролар кучаяверади ва натижада ҳамманинг ва ҳар бир кишининг хавфсизлиги хатар остида қолади».

БУХАРЕСТ. Миллий нажот фронтидан Руминия Президенти лавозимига номзод Ион Илиеску сайлов давомида сайловчилардан 83,0 фоизининг овозини олади. ГФР социологик тадқиқотлар институти (ИНФАС) билан Руминия жамоатчилик фикрини ўрганиш институти мутахассислари тарқатган фаразда шу ҳақда маълум қилинади. Улар мамлакатдаги 252 сайлов участкасида овоз берган 16 минг сайловчининг фикрини сўраб билиб, шундай хулоса чиқардилар.

ПРАГА. Гитлерчилар истилоси йилларида Терезин шаҳрида нималар бўлганини эслаш ва гапириш жуда оғир. Бироқ инсоннинг инсонга нафрати қандай оқибатлар келтирганини ҳамма билиши ва эсда сақлаши учун бу ҳақда гапириш зарур, деди Чехия жумҳурияти ҳукумати Раисининг ўринбосари Антонин Баудиш Терезиндаги кўп минг кишилик намойишда сўзлаган нутқида. Намойиш фашизм қурбонлари хотирасига бағишланган эди.

Сўзга чиққан кишилар гитлерчи босқинчилар Терезин ва Литомержиц яқинидаги қамоқ лагерларида 190 минг одамни азоб-уқубатга солиб, ўлдириб юборганликларини таъкидладилар. Ўлдирилганлар орасида чехлар, яҳудийлар, фашизм ва ирқчиликка нафрат бирлаштирган бошқа халқларнинг вакиллари бор эди. Гитлерчилар ўтказган халқларни қириб ташлаш сиёсати қурбонлари қабрларига гулчамбарлар ва гуллар қўйилди.

Намойишда ЧСФР Президенти Вацлав Гавел иштирок этди.

ПАРИЖ. Гвинея-Бисау билан Сенегал чегараси икки мамлакат армия бўлинмалари ўртасида қуролли тўқнашув чиқди. Франс Пресс агентлиги Гвинея-Бисау ташқи ишлар вазирлигининг баёнотига асосланиб хабар қилишича, биринчи бўлиб Сенегал аскарлари ҳужум қилганлар, улар «қўшни мамлакатнинг миллий суверенитетини яна бузганлар». Баёнотда қанча одам ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Гвинея-Бисау ташқи ишлар вазирлиги можаро муносабати билан халқаро жамоатчиликни Сенегалдан «чегарани муттасам бузишга хотима беришни», можарони тинч ҳал этиш йўлларини излаш учун осойишталик ва мулоқот руҳига риоя этишни талаб қилишга чақирди. Мамлакат ҳукумати ҳарбий усуллардан фойдаланишни истамайди, дейилади баёнотда.



АҚШ соғлиқни сақлаш доиралари расмий маълумотларига кўра мамлакатда бир кунда чекиш оқибатида минг киши ҳаёт билан хайрлашади. Тиббиёт эса чекиш билан боғлиқ турли хил касалликларни даволаш учун ҳафтасига бир миллиард доллар сарфлайди.

Шу сабаб ҳозир мамлакатда чекишга қарши тадбирлар кенг қулоч ёзган. Негаки тамаки фирмалари бойиш манбаи сифатида асосан ёшлардан фойдаланмоқда.

Суратдаги қизларга тикилиб, чекишни ташланг, деб айтгингиз келади.

ТАСС сурати.

ҲИНДИСТОН АҲОЛИСИ ҚАНЧА?

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон аҳолиси ҳозир тахминан 821 миллион кишидан иборатдир. Бу ҳақда мамлакат парламентида эълон қилинди. Жумҳуриятда аҳоли охирги марта 1981 йилда рўйхатга олинганидан кейин ўтган тўққиз йил ичида у 136 миллион киши кўпайди. 2005 йилга бориб эса, БМТ экспертларининг фикрича, Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиард 446 миллион кишига етади, яъни илгари ҳисоблаганидан 216 миллион кўпроқ бўлади. 2030 йилга бориб эса Ҳиндистон эҳтимол Хитойдан ҳам ўзиб кетади ва жаҳондаги аҳолиси энг кўп мамлакатга айланади.

Ҳиндистон аҳолисининг аниқ миқдори келаси йил ўрталарида, навбатдаги рўйхатга олиш натижалари эълон қилинганидан кейин маълум бўлади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭГИЗАКЛАР АВЛОДИ

● АМЕРИКАДА нашр этилувчи «Нэшнл инкуайрер» рўзномаси ғаройиб воқеа ҳақида мақола эълон қилди. Ўтган йилнинг 12 август куни Калифорниянинг Вентура шаҳрида яшовчи Ронда Роллер исмли аёл эгизак ўғил кўрди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки юқоридаги воқеа деярли ҳар куни бўлиб туради. Гап шундаки, эгизак болалар бир оилада, бир кунда туғилган учинчи авлоддир. 1974 йилнинг 12 августида Ронда Роллернинг икки эгизак акаси дунёга келганди. Эгизакларнинг энг катта авлоди 1903 йилнинг яна 12 август куни туғилган бўлиб — улар Ронданинг бобаси ва амакиси эди.

100 ЁШЛИ СПОРТЧИ

● СПОРТ — бу ёшликдир. Яқинда ўзининг 100 ёшини нишонлаган чехословакиялик футбол ишқибози Индржих Шастни шундай фикрдадир. Индржих бобо 100 га кирган бўлишига қарамай, соғлиғидан нолимайди. Севимли командаси «Спарта»нинг ҳар бир ўйинини канда қилмай томоша қилади. Энг асосийси—қария ҳар куни эрталаб «Спарта» клуби стадионига келиб тўп тепади.

ОҒИРЛИК — ПУЛ ТУРАДИ

● ШВЕЦИЯНИНГ ички авиа йўллари ходимлари қуйидаги таклиф билан чиқишди. Тайёрага чиқишдан олдин нафақат йўловчининг юки, балки, ўзи ҳам тортиб кўрилсин. «Ортиқча» оғирлиги учун ҳақ тўлансин». Авиокомпания вакилларининг айтишларига қараганда, бу усул тайёрага кўпроқ йўловчи олиш имконини берар экан. Ахир тайёрасозлар конструкциялашган пайтда ҳар бир шведнинг (эркаклар) 80 ва (аёллар) 60 килограмм вазнини назарда тутишган. Бугун эса оғирликнинг бу кўрсаткичи «ортда» қолган.

ДАРВОЗАБОН УЧУН БАНАН

● МАРСЕЛ ва Бордо футбол командалари ўртасида ўтказиладиган ўйинга, марселлик ишқибозлар 50 килограмм банан билан «ташриф буюрдилар». Улар бу бананларни рақиб команда дарвозабонига атаб сотиб олишган эди. Дарвозабонни бу экзотик мева билан уришни мўлжаллаган «ишқибозлар» футболчининг Камерунда туғилгани учун, уни «бегона» ҳисоблагандилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧАШМА

Биз узоқ йиллар тарихга тўғри назар солиш, уни таҳлил тарозусида тортиб, холис баҳолашдан қўрқиб келдик. Худди шу кезлари, боболаримиз асрлар қаърида сайқал бериб, бизга мерос қолдирган санъатимиз ҳам камситила бошланди. Бироқ, санъатни, айниқса, халқ тинглайдиган қўшиқларни таъқиқлаб бўлмас, қатоғон қилишнинг иложи йўқ эди. Ойнаижаҳону, сўзингор (радио) ҳа деб, алмойи-алжойи қўшиқларни тарғиб қилишига қарамай, халқ ичида тузилган даста (ансамбль)лар ўз билганидан қолмади. Тингловчи ҳам «Гуллаган воҳасан, ҳур Ўзбекистон» қабилидаги юзта қўшиқни, бир «Муножот»нинг, мингта мадҳияни бир «Асл ўрнинг»га алишмади. Сўнгги йўл, Халқ дасталарини қандай бўлмасин ҳам маънавий, ҳам моддий исканжага олиш эди. Шундай бўлди ҳам...

Бугун, азиз муштарийларимизга ўша маънавий сиқувлар даврида бир ёниб сўнган, Андижон вилоятидаги «Москва» ноҳиясининг «Чашма» дастаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

1966 йилларда Ширмонхон Ғозиева (ҳозир марҳума) ва Собиржон Худойбердиевлар раҳбарлигида «Чашма» дастаси тузила бошлаганини москвалиқлар қизғин кутиб олишди. Дастага халқ ичидаги иқтидорли, истеъдодли, санъатсевар кишилар бирлашди. Ширмонхон ая билан Собиржон ака бу эзгу ишга жон-дилдан билан киришиб кетди. Уларнинг меҳнатлари зое кетмади. Даста тез орада мустаҳкам жамоага айланди. Ноҳия, вилоят, ҳаттоки жумҳурият дасталари ўртасида бўладиган беллашувларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаша эдилар. 1965 йилда унга Халқ дастаси унвони берилди. Ушбу унвон берилишининг ўзиёқ даста раҳбарларининг нечоғлик жонкуяр эканликларини кўрсатиб турибди. Аҳил ва изланувчан жамоа, энди қардош жумҳуриятлар, 1970 йилнинг ўрталарига келиб эса, қўшни социалистик мамлакатларга сафар қила бошлади. «Чашма» Румыния, Венгрия каби мамлакатларда бўлиб, ўша ерлик халқларни, дунёда ўзбек деган халқ борлиги, унинг миллий санъати наъқадар жозибали, куй ва қўшиқлари нақадар сирли-сеҳрли эканлигига ишонтирди. Уларни ўзбек санъатига ошно этди. Агар қўйиб беришганида, у шу пайтгача яна қанча-қанча мамлакат, элат, миллатларда ўзбек миллий санъатига нисбатан самимий ҳурмат ҳиссини уйғотган бўларди. Афсуски, ҳали биз юқорида тилга олганимиздек, бунга йўл қўйишмади. «Чашма»ни 70-йилларнинг охирларига келиб қўшни жумҳуриятлару, мамлакатлар у ёқда турсин ҳатто-ки, пойтахтдаги беллашувларга ҳам чорламай қўйишди. Унга нисбатан бўлган эътибор ҳар томонлама сусайди. Ўн-ўн беш йиллар юксалиш даврини бошидан кечирган «Чашма» сўнгги йилларда қурий бошлади...

Шукр, ўша даврлар ҳам ортда қолди. Қора ҳарфлар билан бўлса-да тарих саҳифасига ёзилди. Бироқ, ўша йилларда шаклланган, бугунимизнинг баъзи раҳбарларимиз турткисиз ишлай олмайдилар. Шунинг учун «Чашма» дастасини қайта тиклаш ҳам 1988 йилга келибгина бошланди. Андижон вилоят маданият бошқармасининг собиқ бошлиғи Саида Мухиддиновнинг саъй-ҳаракати ва Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг аралашуви билангина «Чашма»нинг «кўз»лари қайта очилди. Етмишинчи йилларда олинган мусиқа асбоблари, саҳна кийимлари билан бўлса-да, ноҳия, вилоят меҳнаткашлари ҳузурида чиқишлар қилина бошланди. 1988 йилнинг ўзидаёқ қўшни Тожикистон жумҳуриятида ижодий сафарда бўлишди. Жамоанинг аввалги вакиллари, ёшлар билан биргаликда яна дастага уюшишди. Кейинги йили эса Болгариянинг Русси, Шуми, София шаҳарларида концертлар қўйишди. Қардош арман халқининг кўкси зилзила балосидан яраланган чоқ, уларга ҳамдард бўлиб хайрия концертлари беришди. Арманистоннинг зилзиладан озор кўрган қатор шаҳар ва қишлоқларида чиқишлар қилинди. Ниҳоят, «Чашма»га яна илҳом нафаслари насиб қилди. Уни қўллаб бошлашди. У шу йилнинг январь ойида вилоятдаги ўн беш даста беллашувида биринчи ўринни эгаллади. Дастанинг хушовоз хонандаларидан халқ артисти «Андижон Олмахони» номи билан машҳур бўлган (асли рус фарзанди Мария Макарова) Ҳамрохон Мадиёрова, катта ашула ижрочилари Анварджон Ҳомидов, Искандар Эргашев, Юнус Ражабий домладан сўнг, «Кўқон ушшоғи»ни қиёмига етказиб, тўлиқ куйлай олган Маҳмуджон Қодиров, замонавий қўшиқлар ижрочиси Одилжон, халқ қўшиқларини севиб ижро этувчи Зуҳра Алимоваларнинг даста бугунги кунда эришаётган ютуқларида катта ҳиссалари бор.

Биз даста ҳақида ноҳия маданият бўлимининг бошлиғи Ёрқиной опа Раҳматова билан суҳбатлашдик. Опа дастанинг ўтмиши ва бугунидан сўзлаб, кўйиниб ва суюниб гапирар экан, ноҳия ижроия қўмитаси, ноҳия фирқа қўмитасининг ёрдамларини тилга олди. «Агар улар чин дилдан қўллаб-қувватлаб елиб-югуришмаганида эди, балки, даста қайта тикланмаган бўлармиди», — дейди Ёрқиной опа. Яна тилак ҳам қиладилар, «қани энди ҳамма раҳбар ҳам уларга ўхшаб халқини ўйласа». Биз ҳам опанинг тилакларига дилдан қўшиламиз...

Хайрлашиш олдидан, Ёрқиной опадан «Чашма»нинг ишлари ҳақида суриштирдик.

— Дастанинг икки йил ичида эришган улкан ютуқларида, ёшларнинг хизмати катта. Улардан Маҳмуджон Қодиров, Маҳфират Аҳмедова, Зулхумор Жўраеваларсиз дастани тасаввур қилолмаган бўлардим. Айниқса, эндигина ўн саккизга кираётган Зуҳра Алимова ижросида қўшиқ буладиган бўлса, олқишнинг остида қолиб кетамиз. Чунки, мухлислар билишади, Зуҳра ёш бўлишига қарамай «Муножот», «Гулузорим», «Этмасдур» каби ўзбек классик қўшиқларини куйлаганда тингловчини сел қилиб юборишини. Зуҳрадан умидимиз катта. Айни пайтда улар шу йил Наманган шаҳрида ўтказиладиган жумҳурият ашула ва рақс дасталарининг беллашувига тайёрланишмоқда. Биз ана шу талантли ёшлар билан биргаликда «Чашма»нинг аввалги обрўйини тиклаш, қолаверса, соф миллий даста номини олишга эришишга курашяпмиз.

Ёрқиной опанинг сўнгги сўзлари кишини ўйлантириб қўйди. Ҳозир бизда фаолият кўрсатиб турган юзлаб дасталарни шундай аташ мумкинми. Йўқ, балки, улар «миллий даста» номига лойиқдирлар, лекин «соф» эмас. Агар соф бўлганда эди, ёшларимиз рок эмас, «Дилхирож», «Насруллойи»ларнинг мухлислари бўлишган бўлардилар. Афсуски, бизда ундай эмас...

Барибир, бугун ҳамиқадар бўлса-да ошкора гапириб, ҳамиқадар бўлса-да қайта қуриб, ҳамиқадар бўлсада қадриятларимизни таниб бошлаяпмиз, шунинг ўзи катта гап. Эртага жумҳуриятимизда, Иттифоқимизда ҳақиқий, том маънодаги ошкоралик, қайта қуриш ғалаба қилишига ишонч бор. Демак, келажакдан умид кўп. Яхши ниятларни амалга ошмоғи учун эса ёшлар яловбардор бўлмоқлари лозим ва шундай бўлади ҳам.

«Чашма»га эса беллашувда омад, ижодий эркинлик ва юксалиш уни чин дилдан севувчи мухлислар тилаб қоламиз. Чин мухлис бўлмас экан ҳеч қандай даста ҳақиқий баҳосини ололмайди.

Ислом ҲАМРО,
«Ёш ленинчи» мухбири.

ҚУВНОҚ КУЛГУЛАР ЁР БЎЛСИН!



«Ўзбекнинг ўзи қизиқ, сўзлаган сўзи қизиқ», — дейди ленинободлик машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев. Дарҳақиқат, ҳаётимизда, гапирган гапларимизу ҳаракатларимизда ҳажв қилишга арзигулик номутаносибликлар, кусурлар талайгина. Улар жумҳуриятимизда танилаётган қизиқчиларга тугамас кулгу манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР ойнаижаҳон ва радиоэшиттириш Давлат Қўмитаси, Совет маданият жамғармасининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ва «Муштум» жаридаси томонидан ташкил этилган «Қизиқчи—90» беллашуви халқимиз орасидаги ана шундай ҳажв усталарини излаб топиш, уларнинг ижодий камолотини таъминлаш мақсадида уюштирилди. Ўтган йили ўтказилган ана шундай беллашувдан сўнг ташкилотчилар манзилгоҳига ҳажвчиларнинг бундай мусобақаларини анъанага айлантириш таклиф этилган юзлаб мактублар келди. Конкурсни таъсис этувчилар одат тусига кираётган бу иқтидорлар синовида ўтган йилги тажрибаларга таянишгани анжуманнинг асосан рисоладагидек ўтишини таъминлади.

Илгари хабар қилганимиздек, инсонлар юзига табассум улашишни орзу қилган, турли касб эгаларидан иборат юздан зиёд ёшлар конкурсда қатнашиш истагида ташкилий қўмитага ариза бердилар. Саралаш босқичида уларнинг аксарияти репертуар танлаш, ижро маҳорати, нутқ маданияти борасида ҳакамлар ҳайъати талабларига жавоб беролмадилар. Фақат 33 ёш қизиқчигина конкурсда иштирок этишга йўлланма олди.

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги муҳташам санъат қасргоҳи — СССР халқлари дўстлиги Саройи шу ойнинг 17-, 18-, 19-кунлари ёш қизиқчилар ва уларнинг кулгисевар мухлисларини ўз бағрига олди. Ичкиликбозлик, пахта яккаҳокимлиги, лаганбардорлик каби иллатлар сатиранинг ўткир тиғига нишон бўлди. Қизиқчилар айрим кишилардаги ҳажвбоп одатларни, турмушдаги етишмовчиликларни кулгуга олдилар.

Конкурс ташкилотчилари бўлган муассасалар вакиллари ва М. Дарвешев, Э. Каримов, Н. Аминов каби таниқли ҳажвчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати уларнинг ижроларига баҳо беришди. Бу хайрли тадбир таниқли ўзбек санъаткори Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланди. Конкурсда иштирок этаётган ёшлар йирик ҳажв устаси бошлаган қутлуғ ишни давом эттиришни дилларига жо этганликларини намоён қилдилар.

33 қизиқчидан 11 нафари финалга йўлланма олди. Улар ижро маҳоратининг афзаллиги, уйғотган кулгунинг табиийлиги, сермаънолиги, ижтимоий қиммати салмоқдорлиги билан ўзгалардан устун эдилар. Финал иштирокчилари орасидаги беллашув жуда қизиқарли бўлди. Шу куни айрим қизиқчилар илгариги чиқишларини такрорлаган бўлсалар, имконияти кенг, иқтидори юксакроқ кулгу қалдирғочлари яна янги-янги кулгули баҳидалари тайёрлаб келдилар. Ана шундайлардан уч нафари «Қизиқчи—90» конкурсининг лауреати деб топилди. Булар ленинободлик Ҳожибой Тожибоев, тошкентлик Исоқ Мамасолиев ҳамда Болтабой Тошматовлардир. Уларга капиталистик, социалистик мамлакатларга ҳамда СССРдаги ёшлар саёҳат оромгоҳига бепул йўлланма ва лауреатлик дипломлари тақдим этилади.

Финалнинг қолган иштирокчилари «Қизиқчи—90» конкурсининг совриндорлари деб эълон этилди. Уларга Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ, «Муштум» жаридаси, Ўзбекистон ойнаижаҳони ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси ҳамда СССР маданият жамғармасининг жумҳурият бўлими эсдалик совғалари тақдим этилди.

Конкурснинг бориш жараёнини томоша айлашга ташриф буюрганлар қизиқчилар номерлари билан бирга «Нафосат—90» ғолибаси Ш. Фозилжонованинг дилбар рақсларини, «Камолот—89» конкурсида «Йилнинг энг машҳур қўшиқчиси» деб топилган Ғ. Бойтоевнинг ва бошқа ёш хонандаларнинг қўшиқларини тинглаб, дам олдилар.

Конкурснинг муваффақият билан ўтганлигини таъкидлаш билан бирга, айрим мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтишни лозим деб топдик. Томошабинлар билан суҳбатларда конкурсга кириш учун билет нархлари анча юқорилиги таъкидланди. Дарҳақиқат, конкурс ўтказишдан асосий мақсад фақат тижорат, пул йиғиш эмас, балки янги иқтидор соҳибларини кашф этиш эканлигини унутмаслик даркор. Шу ўринда оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳам тегишли жой ажратилмаганлигини айтиб ўтиш жоиз. Қизиқчилар конкурси эмасми, конкурс ташкилий қўмитасининг ана шу ишларга масъул аъзоларидан бири бизнинг бу ҳол ҳақидаги саволимизга «мухбирлар томоша кўргани эмас, ишлагани келишади, шекилли» деб ҳазил қилди. Демак, конкурснинг қандай ўтаётганлигини жамоатчилик вакили сифатида кўриб, минглаб муштарийларга маълумот етказиши лозим бўлган, минг азоб билан ичкарига қўйилган мухбир албатта тик туриб ишлаши яъни ёзиши лозим экан. Негадир бу жавобдан сўнг ташкилий қўмита аъзолари илк қаторда, яна ўтириб ишлашни ўзларига муносиб кўришгани қизиқ туюларкан.

Конкурс лауреатларини ва совриндорларини олий унвон билан, ташкилий қўмита аъзоларини конкурснинг муваффақиятли ўтгани билан табриклаймиз!

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

* * *

Сураткаш Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

«АФҒОНЧИ» НОМИ БИЛАН

...Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Беруний ноҳиясидаги 8-сон ўрта мактабнинг номи ўзгарди. Ташаббус қуйидан чиқди. «Партия XXV съезди» номли ўрта мактаб муаллимлар жамоаси ҳамда Киров номли жамоа хўжалиги 15-бўлими ёшлари шу мактабни Ғалий Бержанов номига қўйишни сўраб ижроқўмга мурожаат қилишди.

Ғалий Бержанов 1979 йили худди шу мактабни тугаллаб, бир йилдан сўнг ҳарбий хизматга чақирилганди. Хизматни Афғонистонда ўтай бошлади. 1980 йилнинг 2 ноябрь куни навбатдаги жанглардан бирида тупроққа бош қўйди... Ўлимидан сўнг уни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлашди.

Қозоқ йигити Ғалий бор-йўғи ўн саккиз ёшида ким учун, нима учун ўт-олов кечаётганини тўла англамай туриб шаҳид бўлди. Орадан ўн йил ўтгач, биз ўз хатоларимизни тушуниб етамиз — «афғончи»ларга — мақсадсиз уруш қурбонлари ва жабрдийдаларига эътибор бера бошлаймиз. Ҳаёт ҳақиқатини кеч англашдек тўралик «касали» бизга ҳар доим қимматга тушмоқда. Биргина шу ноҳиянинг ўзидан саккиз нафар йигит уйига омон қайтмаган. Уларнинг уч нафари номи билан кўчалар аталмоқда. Ноҳия комсомол қўмитаси маблағ тўплаб, ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш ишига киришган...

Яқин орада амалга ошган хайрли мисолни келтирдик. Ҳалок бўлган фарзанди хотирасини абадийлаштиришни сўраб, шу эзгу ишни пайсалга солаётган тўралар устидан арз қилиб юрган мушфиқ онахонлар ҳақида матбуот жуда кўп ёзди, ҳануз ёзмоқда. Кўнгил дардини кимга ёришини билмай қоронғи уй тўрида ҳасратлар эзиб ташлаган, одамови бўлиб қолган онаизорлар билан суҳбатлашганимиз бор. Кўнгил сўраб борган пайти остона ҳатлашингиз биланоқ аламли нигоҳга, ҳасратли қиёфага тик қарашга юрагингиз дош берганми? Марҳум ўғли номини абадийлаштириш ҳақида гап очишимиз билан тутақиб «Агар дунёни номига қўйганингда ҳам нима ўзгарарди, ўғлим тирилиб келармиди?!» деб йиғлаб юборган отахонга жавоб қайтаришга тилингиз айланармиди?..

Нима деймиз: яна кучимиз тилимизга етади: инсофсизларга инсоф берсин, тошбағир раҳбарларнинг қалби юмшасин. Ўша «каттакон» саксонинчи йиллар «коммунизм» даврида Кавказнинг қайси бир оромгоҳида айш-ишрат билан машғул пайти қўшни давлатда мина жасадини тилкалаб ташлаган, бир сиқим кулга айланган йигитлар тайёра юкхонасида ўз тупроғига бир дунё қайғу олиб келаётганини ҳаноткий ҳалиям англаб етмади?! Турғунлик даврида тўраларнинг фарзандлари қисматига бу кунлар тушмаганини биламиз. Улар «қора қути»ни кузатиб келиш, мозор бошида нутқ сўзлашга «масъул» бўлишган... Фуқаронинг ҳоли қурсин...

Биргина савобли иш баёни туфайли кўнгил ҳасратларимизни тўккимиз келди. Кимларгадир ёқмаган бўлса, узр...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Биз—байналмилалчилармиз!

ҚОНДОШ—ЖОНДОШМИЗ

Ўзбек ва тожик миллатлари орасидаги дўстлик, ҳамкорлик тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги Конибодом ноҳияси қўшни, қардош Фарғона вилояти Киров ноҳияси билан шундоққина сарҳаддош. Бу икки ноҳияни бир-биридан жўшқин сой-ариққина ажратиб туради, холос.

Бир сўз билан айтганда, бу икки ноҳия меҳнаткашлари бир-бирларини ҳеч қачон «сен ўзбек», «мен тожик» ёки «мен тожигу сен ўзбек» деган эмас. Қолаверса, Конибодом ноҳиясида яшовчи аҳолининг қарийб 40 фоизини ўзбек миллати ташкил қилади.

Икки йил муқаддам яна бир хайрли ишга қўл урилди. Эндиликда бу икки вилоят маорифчилари, мактаблари ўзаро тажриба алмашинишни йўлга қўйдилар. Нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ўқувчилар ҳам ўзаро ҳамкорликда ўқиб, бир-бирларининг билим даргоҳларига борди-келди қилмоқдалар. Конибодом ноҳиясида 42 та ўрта ва тўққиз йиллик мактаб бўлиб, бу мактаблар Киров ноҳия мактаблари билан ўзаро мусобақадошдир. Бу эса ўз навбатида миллатлараро дўстлик янада чуқурроқ илдиз отиб, дўстлик дарахти янада юксакроққа бўй чўзишига ҳисса қўшмоқда.

Ўзим 1977 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатганман. Конибодом ноҳиясидаги М. Горький номли 20-ўрта мактабда 13 йилдан бери ишлаб келаман. Мактабимиз жамоаси Фарғона вилояти Киров ноҳиясидаги 51-ўрта мактаб жамоаси билан мусобақадош. Ҳар икки мактабда ҳам ўқиш икки тилда: ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳар икки мактабда ҳам 900 га яқин ўқувчи ўқийди. Ҳар икки мактабда ҳам 32 тадан синф, 100 нафарга яқин ўқитувчи бор. Юқоридагиларни мисол келтиришдан мақсадим мусобақадошларни танлашда мактабларнинг шартга кўра, тенг кучлилиги ҳисобга олинган.

51-ўрта мактаб жамоаси 1988-1989 ўқув йили охирида ўз ўқувчилари билан мактабимизда бўлишганди. Ўша куни мактаб байрам либосига бурканди. Ўқитувчилар ўзаро дарсларга киришди, ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар орасида турли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Ҳар икки томон бадиий ҳаваскорлари томонидан катта концерт программаларини намойиш этишди. Йиғинларда ҳар икки мактаб оталиқ ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳам иштирок этдилар.

Яқинда эса мактабимиз ўқувчилари мусобақадошларимиз билим даргоҳларида бўлиб қайтишди. Улар ниҳоятда чиройли, биз кутиб олгандан ҳам зиёда, ўзбекона меҳмондўстлик билан нон-у туз, карнай-сурнай садолари билан қарши олдилар.

Ўқувчилар спорт мусобақаларида ўзаро беллашдилар, ўқитувчилар эса шу мактабнинг тажрибали ўқитувчиси, СССР халқ маорифи аълочиси Набижон ака Турдиқулов, шунингдек Солижон Аҳмедов, Ёдгорхон Орифжонова, Маҳфузахон Маҳмудова, Исоқжон Орифжоновларнинг ўқувчиларга сабоқ бериш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Биз меҳмонларни шу мактаб директори Комилжон ака Пайғамов фан кабинетлари, ўқув устахоналари билан, таълим-тарбия ишларининг бориши билан таништирдилар. Учрашув охирида барчамиз Киров ноҳияси «Партия XX съезди» давлат хўжалиги касаба уюшмасининг марказий клуби биносига тўпландик.

Ҳар икки мактаб бадиий ҳаваскорлари ўз раҳбарлари Расулжон Эргашев (51-ўрта мактаб) ва Ҳасанбой Неъматовлар (20-ўрта мактаб) бошчилигида концерт программаси намойиш этдилар.

Буларни ҳикоя қилишдан мақсадим кейинги пайтларда Ватанимизнинг кўпгина бурчакларида миллий масалаларда келишмовчиликлар бўлаётгани мени жуда кўп ўйлантирмоқда.

Фарғона вилоятидан қайтар эканман, ўз ўқувчиларим, шогирдларим руҳидаги кўтаринкилик, тетиклик, шодлик нишоналарини кўриб, кўнглимда ўзгача бир туйғу пайдо бўлганини сездим. Дўстликка, ҳамкорликка нима етсин!..

Маъруф ШОКИРОВ,
Конибодом ноҳиясидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси.

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 25 майда чиқади).



Тўрақўрғондаги «Ширинлик» комбинатига қарашли «Умид» болалар боғчаси янада файзли бўлиб қолди. Бу ерда кичкинтойларнинг мароқли дам олиши, тарбияланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шу боисдан, фарзандларини боғчага олиб келаётган ота-оналарнинг улардан кўнгли тўқ. Биладиларки, ушбу масканда улар яйраб-яшнаб вояга етишмоқда.

360 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган болалар боғчасида ёпиқ сув ҳавзаси, спорт зали ишлаб турибди.

СУРАТДА: ёпиқ сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилаётган болалар.

Сураткаш Ҳ. ШОДИЕВ.

БЎЛАЖАК ЖАРРОҲ-ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўқув йили якунлана борган сари, ўзига хос сарҳисоблар сони ҳам ортиб бормоқда. Дам у, дам бу соҳа бўйича баҳс ғолиблари эълон қилинмоқда.

Мана, яқинда «Талаба ва илмий-техника тараққиёти — 90» шиори остида яна бир мусобақа — бўлғуси мутахассис талабаларнинг жумҳурият олимпиадаси Андижон Давлат тиббиёт институтида ниҳоясига етди. Дарвоқе, уч йилдирки, жарроҳлик фани бўйича талабалар кўриги шу ерда ўтади.

Натижалар қувончли. Талабаларимиз сиймосида тиббиётимиз қўли гул жарроҳлар билан тобора бойиб бораётганига яна бир марта ишонч ҳосил қилинди. Узоққа бормайлик, ўтган ўқув йилида Белоруссиянинг Витебск шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ олимпиадасида жумҳуриятимиз талабалари жарроҳлик командаси иккинчи ўринни эгаллаб, ўзларининг назарий ва амалий билимлари кўламини намойиш этгандилар.

Бу галги жумҳурият олимпиадаси ҳам истеъдодли талабаларни аниқлаб берди. Андижон ва Тошкент Давлат тиббиёт институтлари толиблари бир-бирларидан сира қолишмадилар. Афсуски, бу баҳсда ўтган йилдаги каби номаълум сабабларга кўра Самарқанд Давлат тиббиёт институти вакиллари қатнашмадилар...

Икки кун давом этган беллашув натижасида АнДМИ талабаси Б. Мўминов ва ТошДМИ толиби А. Қаҳҳоров ғолиб деб топилиб, Бутуниттифоқ олимпиада кўригига тавсия этилдилар.

Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

24 МАЙ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Бегим Донбоев имконияти». Телефильм. 12.00 «Доира оҳангида». Фильм-концерт. 12.30 «Инсон тақдири». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Табиатни асрайлик». «Эртанги кундан умидвормиз». Телефильмлар. 18.15 «Агар мен дадам ўрнида бўлсам...» Мультфильм. 18.30 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 19.00 Пахтакорларнинг шу кундаги вазифалари. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради». 20.30 Москва. Вақт». 21.00 Ўзбек куйларидан концерт. 21.40 «Даврга ҳамоҳанг». Телефильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — АСК (Олмаота). Репортаж (ёзиб олинган). 18.45 «Театр ва томошабин». «Дард» театр-студияси ҳақида (рус тилида). 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пионер ёзига тайёрмисиз?» Ўзбекистон ойнаижаҳони ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси редакциясининг биргаликдаги рейди.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Тожикистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби К. М. Маҳкамовнинг Тожикистон Компартияси XXI съездидаги ҳисобот маърузаси. 23.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди кундалиги.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар: «Терговни бўғирсоқлар олиб боради. 1 тергов», «Терговни бўғирсоқлар олиб боради. Аср ўғирлиги», 8.35 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 11.05 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). 1-тайм. Австриядан кўрсатилади 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). 2-тайм. Австриядан кўрсатилади.

* * *

15.15 «Севимли аёл портрети». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск). 15.55 Болалар учун фильм. «Тоғдаги ғор сирлари» (М. Горький номли киностудия). 17.10 «Гармонь янграган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади. 17.40 «Қора терга ботиб». М. А. Шолохов ижоди ҳақида ҳужжатли фильм премьераси (Ростов кинохроника студияси). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.25 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Кулги кечаси. 22.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув кўрсатувлари

8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 4-синф. Бақувват бўлмоқчиман. 9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Испан тили 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Биология. 8-синф. Жониворлар табиатда. 11.05 «Қозоқфильм» киностудиясининг илмий-оммабоп фильмлари.

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Жасоратга мангусан мудом». 4-серия. 13.10 Ритмик гимнастика.

* * *

16.30 «Қўшиқ инсон билан қолади. «Алёша» (К. Ваншенкин, Э. Колмановский). 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Омад тилаймиз, Нухэр» (Чита). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» 5-қисм.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04662. Д — 23470.